КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 66 (7456). ● 3 апрель, 1981 йил ◆ ЖУМА ● Баҳоси 2 тийин.

Пискент районн хўжаликларида чигит экишга киришилди. Ҳозир Тельман номли колхоз механизаторлари бу ишда бошқаларга намуна бўлмоқдалар. К. Ботиров бошлиқ бригадада экиш сифати айниқса яхши бўлаётир. Суратларда: бригада бошлиғи К. Ботиров билан сеялкачи Б. Камолов; пастда чигит экиш пайти.

А. Мальцев фотоси.

НОЗ-НЕЪМАТИМИЗ СЕНГА—ВАТАН

САМАРҚАНД, 2 апрель. (ЎзТАГ). Республика барча областларининг ва Қорақалпоғистон АССРнинг сабзавот, мева, узумдан мўл ҳосил етиштирувчи миришкорлари, донгдор картошкакорлари, полизчилари бугун ўзларининг анъанавий қурултойини ўтказиш учун Самарқандга йиғилдилар. Қурултойда илғор деҳқонлар, социалистик мусобақа ғолиблари билан бирга қайта ишловчи заводларнинг, саноат корхоналарининг вакиллари, олимлар, конструкторлар, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этмоқдалар. Қурултой қатнашчилари КПСС XXVI съездининг қарорларидан, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг доклад ва нутқларидан, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг материалларидан келиб чиқадиган вазифалар асосида мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни янада қўпайтириш йўлларини муҳокама қилдилар.

Қурултойни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев кириш нутқи сўзлаб очди.

Ўзбекистон ССР мева-сабзавот хўжалиги министри О. А. Алимов, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. А. Уркинбоев, академик Р. Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори М. М. Мирзаев 1980 йилнинг якунлари ва республика колхозлари, совхозлари, қайта ишловчи корхона ва ташкилотларининг ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида сабзавот, мева, узум, картошка ва полиз маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни қўпайтириш борасидаги социалистик мажбуриятлари тўғрисида доклад қилдилар.

Докладчилар ва музокараларда сўзга чиққан нотиқлар — Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов, Андижон область партия комитетининг секретари И. Қурбонов, Калинин район партия комитетининг биринчи секретари Р. Қамбаров, Наманган область, Тўрақўрғон районидаги Ленин номли совхоз — завод директори Б. Икромов, Фарғона область Риштон районидаги «Сўх» совхозининг бригадири Д. Исломов, Қашқадарё областидаги «Китоб» совхози узумчилик бригадасининг бошлиғи Н. Бозоров шуни қайд этиб ўтдиларки, Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, партия XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, 1980 йилни ва умуман ўнинчи беш йилликни зарблор меҳнат билан нишонладилар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экиларидан мўл ҳосил етиштирдилар. Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин орденига сазовор бўлган Ўзбекистон қишлоқ меҳнаткашларининг муваффақиятларига сабзавотчилар, боғбонлар, соҳибкорлар, картошкакорлар ва полизчилар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Қурултой иштирокчилари ўтган йилнинг якунларини батафсил анализ қилиб, асосий эътиборни шу йил ҳал этилиши керак бўлган проблемаларга қаратдилар. «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари»да баён этилган ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилаётган озиқ-овқат программасини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишдан иборат вазифани шараф билан бажаришга бутун куч-ғайратни сарфлаш — республика мева-сабзавоткорларининг ватанпарварлик бурчи эканлиги таъкидлаб ўтилди.

Қурултойда ишлаб чиқаришни янада концентрациялаш ва ихтисослаштириш, тармоқни саноат негизига кўчириш зарурлиги уқтириб ўтилди. Республика хўжаликларида ҳали талайгина фойдаланилмаётган резервлар ва имкониятлар мавжуддир. Ана шу резерв ва имкониятларни ишга солиш гектаридан мўл ҳосил олиш, ерлардан самаралироқ фойдаланишга эришиш имконини беради. Баъзи бир хўжаликларда ҳосилдорлик паст, қишлоқ хўжалик экинларини парвариш қилиш агротехникаси бузилмоқда.

Нотиқлар экинларни парвариш қилиш агротехникасини такомиллаштириш, сермеҳнат ишларни янада механизациялаш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, илм-фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш — сабзавот, мева, узум, картошка ва полиз экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг муҳим омиллари эканлигини таъкидладилар. Тўғизлаштирилган схемалар асосида сабзавот экишни кенгайтириш, интенсив типдаги мевали боғлар майдонларини қўпайтириш, сийраклашиб қолган ва кам ҳосилли эски боғ ва токзорларни тугатиш лозим. Мева-сабзавот маҳсулотларининг сифатига, даладан истеъмолчиларгача бўлган йўлда ҳосилнинг нобудгарчилигини камайтиришга кўпроқ эътибор бериш зарур. Қишлоқ хўжалигининг қайта ишловчи корхоналар билан яна ҳам қалиноқ боғланишдаги ишлашишни таъминлаш, полиз ва боғларнинг маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, асраш ва реализация этишни ташкил қилишни яхшилаш керак. Теплица сабзавотчилигини янада ривожлантириш зарур.

Қурултойда чорвачиликни ривожлантириш масалаларига катта эътибор берилди. Сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик хўжаликлари гўшт, сут, тухум, жун етиштиришни кўпайтириш учун катта-катта имкониятларга эга эканлиги уқтириб ўтилди.

Сўзга чиққан ўртоқлар сабзавоткорлар, боғбонлар, соҳибкорлар, картошкакорлар ва полизчиларнинг яқин келажакдаги вазифаларига батафсил тўхталиб ўтдилар. Ҳар бир хўжалик қўкламги дала ишларининг ҳаммасини: сабзавот, полиз экинлари, картошка экиш, янги мевазор боғлар ва токзорлар барпо этиш, токзорларни очиш ишларини ўз вақтида ва юксак агротехника даражасида ўтказиш, ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили ҳосили учун мустаҳкам замин яратиши зарур.

Қурултой қатнашчилари самимий кутиб олган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Қурултой қатнашчилари шу йилги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар. Бу мажбуриятларда республикада 5,5 миллион тонна мева-сабзавот маҳсулоти етиштириш кўзда тутилади.

Қурултой ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари Е. Айтмуратов, И. Г. Анисимкин, Л. И. Греков, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров И. Б. Усмонхўжаев, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолигига кандидат К. Камолов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев иштирок этдилар.

ГЕРБИЦИД ҲОСИЯТИ

Биз совхозимизнинг Қаюм Калонхўжаев раҳбарлик қилаётган маккажўхоричилик бригадаси даласида тажриба ўтказдик. Мавжуд 66 гектар ернинг 60 гектарига бегона ўтларга қарши 80 процентли симазин гербициди билан ишлов бердик.

Маълумки, симазин гербициди, асосан, уруглик маккажўхорини экиш билан бир вақтда ПГС-2,4 мосламаси билан сепилади. Аммо бизда у йўқлиги учун ОВХ-14 аппаратига уланиб, паст босим билан дори пуркайдиган махсус мослама ясадик. Унинг ёрдамида уруғ ташланган қаторнинг устига 25—30 сантиметр кенгликда дори пуркаб кетилди. Бунда гектар ҳисобига 4—5 килограмм симазин эритмасидан тайёрланган 400—600 литр суюқлик сарфланди.

Симазин гербициди ўсимликларни танлаб таъсир қилиш хусусиятига эга бўлганлиги учун маккажўхоризорларда учрайдиган турли хил бегона ўтларга қарши кутилганидан ҳам яхши таъсир кўрсатди. Айниқса, бизнинг шароитимизда ҳар йили кўп тарқаладиган бир йиллик бегона ўтлардан оқ итқулоқ, қурмак, шўра (ола бута), ёввойи гултожихўроз, семизўтлар маккажўхори экилган майдонларда деярли ўсиб чиқмади.

Гербицид сепилмаган 6 гектар майдонда эса аҳвол бошқача бўлди. Текшириб кўрганимизда бир квадрат метр ерда 150—200 дона бегона ўт ўсиб чиққанлиги аниқланди.

Бегона ўтларга қарши кимёвий ишлов беришнинг самарасини шу бригаданинг икки йиллик меҳнат фаолиятини ўзаро таққослаб билиб олишимиз мумкин. Масалан, 1979 йилда 56 гектар ерга мутлақо гербицид сепилмай маккажўхори уруғи экилган эди. Шу йили ҳосилдорлик 303,5 центнерни ташкил этди. 1980 йилда эса ҳар гектар майдондан 430 центнердан кўп масса йиғиштириб олинди. Кўриниб турибдики, симазин гербициди сепилганлиги учун ҳосилдорлик бир йўла 130 центнерга қўпайди.

Бундан ташқари уругликни экиш пайтида гербицид сепиш дала меҳнаткашларини бир мунча огир юмушлардан халос этади. Етиштирилаётган маҳсулотнинг таннархи арзонлашади. Яна шу Қаюм Калонхўжаев бригадаси аъзолари гербицидан самарали фойдаланганликлари туфайли маккажўхорини оритқча ўток қилиш ишларидан озод бўлдилар ва жамоат чорвачилиги учун қарийб 1,5 ҳисса кўп озуқа етиштириб бердилар.

Аммо, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, гербицидниг қайси тури бўлмасин, улардан ҳафсаласизлик билан пала-партиш фойдаланиш кўпгина зararли оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки, гербицид лотинча ўз номи билан «герба» — ўт ва «цедо» — ўлдираман. деган маънони билдиради. Шунинг учун ҳам улардан фойдаланишда хусусиятларига, сепиш вақти, муддати ва миқдорига қатъий эътибор бериш керак. Айниқса, химиявий препаратларни сепишга жалб этиладиган кишиларга тўлиқ инструктаж берилиши, уларнинг хавфсизлик техникасига қатъий риоя қилишлари шартдир.

Б. ҲАСАНОВ,
Паркент районидаги «Паркент» совхоз-заводининг агроном-энтомологи.

18 апрель—Бутуниттифоқ коммунистик шанбалиги

Резервлардан бири...

Тошкентдаги «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг илғор тўқувчилари Шоира Ҳолмуҳамедова, Машкура Қодирова, Анна Гладковалар коммунистик шанбалик куни, икки смена тошпиринги бажаришга аҳд қилишган. Тажрибали усталар илғор тажриба мактабидаги машғулотларда ёшларга маҳорат сирларини ўргатадилар, меҳнат самарадорлиги ва сифатини оширишнинг кўплаб резервларини эгаллашда ёрдам берадилар.

Бирлашманинг 600 дан зиёд ишчиси 18 апрель куни ўз иш жойида меҳнат қилади. Улар 240 минг сўмлик трикотаж кўйлак, костюм, жемпер, жакет, ички кийимлар тикиб чиқарадилар. Бу буюмларнинг бир қисмини тежалган ҳом ашёдан ишлаб чиқаришга қарор қилинди.

Сабзавоткорлар ҳиссаси

Тошкент областининг Калинин районидаги теплица комбинатининг коллективи «Қизил шанбалик» кунида рекорд ҳосил олишга қарор қилди. Сабзавоткорлар шу куни 50 тонна помидор, бодринг, кўк пиёз, саримсоқ пиёз, редиска йиғиштириб олиб харидорларга жўнатадилар.

(ЎзТАГ мухбири).

КАНОП ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРАЙЛИК

ЎЗБЕКИСТОН луб экинлари тажриба станциясида канопга ишлов беришнинг асосий агротехникасига оид тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳамма ерда кенг қўллаш тавсия этилган.

Ерни каноп экиш учун тайёрлаш пайтида барча карталар кафтдек қилиб текисланган бўлиши керак.

Каноп уруглиги экиш олдидан қуёш нури яхши тушадиган махсус майдонларда беш-етти кун давомида қиздирилади ва бир тонна уруққа уч килограмм ҳисобида ТМТД препарати чанглатилади.

Ернинг ўн сантиметр чуқурликдаги ҳарорати 16 даражага етганда каноп уруғини экиш энг қулай муддат ҳисобланади. Агар уруғ яхши қизимаган тупроққа экилса, у чириб кетади ва кўчат сийрак бўлиб қоладн. **Бу йилги кўклам об-ҳаво шароитини ҳисобга олган ҳолда уруглик учун канопни 5—10 апрелда, кўк поя учун эса 10—15 апрелда экиш мақсадга мувофиқдир.** Уруғнинг бир текис тушиши учун сеялкаларни яхши созлаш зарур. Уруғ 3—4 сантиметр чуқурликка ташланади.

Уруглик учун биринчи класс каноп уруғи 90 процент униб чиқиши ҳисобга олинган ҳолда экилади. Бунда гектар ҳисобига 8—10 килограмм уруғ сарфланади. Ўрим бошлангунга қадар ҳар гектар ерда 160—170 минг туп ўсимлик сақлаб қолинади. Агар қалиноқ қолдирилса, каноп нинг гуллаши кечикади, шоҳа ташлайди.

Каноп пояси олиш учун 70х20 схемасида қўшқаторлаб экиш энг илғор, серунум ва фойдали усул ҳисобланади. Областимиз бўйича 30 процент майдонга қатор орасини 60 сантиметр қилиб бир қаторлаб экилади. Уруглик учун эса фақат якка қаторлаб 60х100 ёки 90х5 сантиметр схемасида экилади.

Ўсишнинг биринчи даврида (уруғ униб чиққандан сўнг 30—40 кун ўтгунча) каноп суст ривожланади. Натижада экинни бегона ўт босиб кетиши мумкин.

Бегона ўтларга қарши прометрин, которан ва трефлан гербицидлари самарали ҳисобланади. Уларни экишдан олдин ҳам, экиш даврида ҳам сепиш мумкин. Гербицид сепиш бегона ўтларни 75—80 процент камайтиради ва ҳосилдорликни 11—17 процентга оширади. Гербицид экиш олдидан ОВХ-14 ва ОВХ-28 пуркагичларида ёппа сепилади. Экиш пайтида эса Т-28х4 тракторига осилган ПГС-2,4 мосламаси билан лента усулида сепилади. 60 сантиметрли схема билан экилганда гербицид 25—30 сантиметр, 90 сантиметрли схемада эса 35—40 сантиметр кенгликда сепиб кетилади.

Гербицид миқдори тупроқ шароитига қараб белгиланади. Прометрин препарати бир гектар ерга қуйидаги миқдорда сепилади:

3,2—4,1 процент чириндиси бўлган қоратупроқли унумдор ерларга қатор ораси 60 сантиметр бўлса 2—2,5 килограмм, 90 сантиметрли бўлса 1,94—2,32 килограмм;

1,9—3,1 процент чириндиси бўлган унумдор ботқоқли ерларга схемасига қараб 1,5—1,7 килограмм ва 1,38—1,50 килограмм;

2,5—2,9 процент чириндиси бўлган унумдор ерларга 1,25—1,50 килограмм ва 1,10—1,38 килограмм;

1—1,3 процент чириндиси бўлган сариқ тупроқли унумдор ерларга 0,5—0,75 килограмм ва 0,44—0,66 килограмм.

Таркибида чириндиси бир процентдан кам бўлган ерларга прометрин сепиш мумкин эмас.

Ҳар йили бир хил гербицидни қўллайвериш бегона ўтларнинг қўпайиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун уларни алмаштириб туриш керак бўлади. Кейинги пайтда шу нарса маълум бўлдики, каноп экишда трефлан гербицидини қўллаш яхши самара беради. Ҳозир уни қўллаш технологияси ишлаб чиқилиб, нормаси ва муддатлари белгиланган.

Трефлан препарати экишдан бир ҳафта олдин ёки экиш пайтида ҳар гектар ерга бир килограмм ҳисобида сепилади. Уни прометрин билан бирга қўллаш яхши натижалар беради.

Луб экинлари тажриба станциясида бир йиллик ва кўп йиллик ўтларга қарши (уруглик учун экилган канопга) гербицидларни бирга қўллаш усули ишлаб чиқилган. Прометрин бир йиллик ўтларга, далапон эса кўп йиллик ўтларга яхши таъсир этади.

Бу гербицидларни бирга-ликда яъни ҳайдаш олдидан гектар ҳисобига 40 килограмм далапон, кукламда 1,5 килограмм прометрин сепилса, бир йиллик ўтларни кескин камайтиради, каноп нинг баланд бўлиб ўсишига ва кўп уруг беришига яхши таъсир этади.

Илдиз чириш канопда учрайдиган касалликлар ичида энг кўп тарқалганидир. Тупроқни бундай касаллик ва зараркунандалардан мусафо қилишнинг асосий чораси каноп ни пахта ёки шоли билан алмашлаб экишдир. Бу экинни кетма-кет бир ерга экишга йўл қўйиб бўлмайди.

Ўсиш даврида каноп экилган майдонларда тупроқ мунтазам яхши юмшатилган ва бегона ўтлардан ҳоли сақланиши керак. Бунинг учун икки-уч марта культивация ўтказиб, шу вақтнинг ўзида озиқлантирилади.

Экинга бериладиган минерал озуқа турларини тўғри танлаш, уларни солиш миқдори ва усулини белгилаш ва муддатларга тўғри тақсимлаш юқори ҳосил олишнинг муҳим шартидир. Поя учун экилган каноп га ҳаммаси бўлиб 220—250 килограмм азот, 150—190 килограмм фосфор ва 90—120 килограмм калий берилади. Ерни шудгор қилишдан аввал 50 процент фосфор ва калий ўғити солинади. Уруғни экиш пайтида эса 20—25 килограммдан азот ва фосфор берилади. Қолган қисми эса иккига бўлиниб, биринчи навбатда азот ва фосфор, иккинчи навбатда азот ва калий билан озиқлантирилади.

Уруглик учун экилган каноп га қуйидаги нормада ўғит берилади: азот—150 килограмм, фосфор — 150 килограмм, калий — 120 килограмм, шу жумладан шудгор олдидан 70 килограммдан фосфор ва калий, экиш билан бир вақтда 20—25 килограммдан азот ва фосфор; қолган қисми ўсиш даврида иккинчи марта, яъни биринчи марта азот ва калий, иккинчи марта азот ва фосфор берилади.

Сугориш муддати ва нормаси қуйидагича бўлади:

ер ости сувлари чуқур жойлашган ва сув яхши шимиладиган ерларда гектар ҳисобига 1000—1300 кубометрдан олти-етти марта. Июль ва августнинг биринчи ўн кунлигида ҳар 10—12 кунда, қолган ойларда 15—20 кунда гектар ҳисобига 7200—8400 кубометр сув сарфлаган ҳолда сугорилади;

ер ости сувлари 0,9—1,2 метр юзаликда жойлашган ерларда гектар ҳисобига 900—1100 куб метр нормада беш-олти марта. Июль ва август ойининг биринчи ярмида ҳар 12—14 кунда, қолган ойларда 20—25 кунда сугорилади. Бунда ҳар гектар ерга 6000—6200 кубометр сув сарфланади.

Ўримга 7—10 кун қолганда бериладиган сўнгги сугоришда гектар ҳисобига 600—700 куб метр сув сарфланади. Бу эса каноп пўстлогининг яхши ажралишига ва унинг сифатли бўлишига ёрдам беради.

Уруглик учун экилган каноп гектар ҳисобига 3500—4500 кубометр ҳажмида учтўрт марта сугорилади. Бунда ер ости сувларининг жойлашиши ҳисобга олиниши керак.

Поя учун экилган каноп ни пишишига беш кун қолганда ўришни бошлаб, ўн кун давомида, яъни 30 августдан 10 сентябргача ўриб йиғиб олиш энг қулай муддат ҳисобланади.

Сифатли каноп уруғи олиш учун икки босқичда — бир марта гуллаш даврида, иккинчи марта ҳосилни йиғиштириб олиш олдидан бегона нав ва касал тупларни олиб ташлаш энг асосий агротехник усул ҳисобланади. Уруглик каноп ана шу икки босқичда тозаланганидан сўнг апробация қилинади.

Каноп поясининг 75 процентида уч-тўрттадан пастки қисмидаги уруг пишиб етилганидан сўнг, яъни 5—10 сентябрда уруглиги йиғиштириб олишга киришилади.

Янчиб олинган уруглик қуритилиб, яхшилаб сараланади. Уни намлик даражаси 12 процентдан юқори бўлган жойда сақлаш мумкин эмас. Омборхона шамоллатиб турилиши керак.

Х. НАЗИРОВ,
Ўзбекистон луб экинлари тажриба станцияси директори.

Т. ДЕРКАЧ,
директорнинг илмий ишлар бўйича ўринбосари.

Ф. САИДБУРХОНОВ,
агротехника лабораторияси мудири.

Н. АБДУРАЗЗОҚОВА,
катта илмий ходим.

Мутахассислар маслаҳати

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

ҒАЛАБА РАЙОНИ пиллакорлари қурт боқиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрмоқдалар. Улар бу йил 2 минг қути қурт уруғи боқиб, давлатга 126 ТОННА «КУМУШ ТОЛА» етказиб бериш мажбуриятини олишган.

Район хўжаликларида ана шу аҳдга яраша мавжуд тут плантацияларига ишлов бериш, сўкчакларни тайёрлаш, даста ҳозирлаб қўйиш ишлари қизғин бормоқда.

Шунингдек, районда пилла қуртининг муҳим озуқаси ҳисобланган тут плантацияларини кенгайтириш мақсадида ҳозиргача 650 минг туп кўчат ўтказилди.

С. МУСТАФОЕВ.

ДАЛАЛАР УЙҒОҚ

РЕПОРТАЖ

ШАБНАМГА чайилган яшил майсалар ялпоқларини қуёш нурлари ила артишга улгурмасдан елдирим сабо канотида тракторларнинг овозини олиб келди. Механизаторлар Мусулмонқул Раимқулов ва Товбой Бойтемировлар тележкаларига чигит, гербицид, ўғит ортилган транспорт тракторларини дала йўллари бўйлаб ҳайдаб боришяпти. Тракторга чизел тиркаб олиб, карта четларини юмшатаётган Урол Йўлдошев ўриндиқдан туриб хамкасблари билан саломлашади.

Кенг ялғинли, қорачадан келган бригада бошлиғи Қаҳҳор ака Раимқулов кафтидаги бир қисм тупроқни эзғилаб кўрар экан, «Айни тобига келибди», деб қўйди. Агроном Мирахмад Кўчқоров унинг фикрини тасдиқлаб, бўлганидек, қўлидаги ҳассасимон асбобни ерга суқиб кўрди.

— 10 сантимер чуқурликда ҳам ҳарорат 12—13 даражага кўтарилибди, — деди агроном.

— Бу картада ҳам чигит экишни бошлаб юборавермизми? — сўради бригадир.

— Албатта.

Агрегати атрофида қуйманиб юрган Абдувоҳид Қўлбоев худди шуни кутиб турган эди. У Сотқон Ристоевга ишора қилиши билан сеялкачи ўз ўрнини эгаллади. Дам ўтмай Абдувоҳид экиш агрегатини кенг пайқалга олиб кирди.

Бригада бошлиғи экипаж ишини бироз кузатиб турди. Агрегат ортида ўқдек текис эгатлар ҳосил бўларди. Қаҳҳор ака уруғ тушган бир неча уяларни очиб кўрди. Экиш чуқурлиги айни мўлжалдагидек—4—5 сантиметр эди. Бу ерда ишнинг бошланишидан қаноат ҳосил қилган бригадир қўшни пайкал томон йўл олди. Механизатор Анорбой Усмонов билан сеялкачи Бозорбой Ёрлақуловлар бу далага чигит экишни тугаллашаётган эди. Бригада аъзолари уруғ ташланган пайкалларга пешма-пеш ўқариқлар олишади. Олтиной Турсунбекова ва Ҳабиба Мусаевалар дарҳол уларга ивитилган чигитни экишарди. Чунки, шундай қилинганда ўқарикларга экилган чигит ҳам даладаги билан баробар — бир вақтда униб чиқади.

— Чигит экишни бултургига қараганда беш кун илгари бошладик, — дейди Қ. Раимқулов. — Механизаторларимиз кунига 18—20 гектар майдонга барака уруғи қадашяпти. Чигит экишни беш кунда тугаллашни режалаганмиз.

КПСС XXVI съезди қарорларига амалий иш билан жавоб беришга аҳд қилган бригада коллективи ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилида 95 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан «оқ олтин» етиштириш мажбуриятини олганлар. Чигит экишни қисқа муддатда ва сифатли ўтказиш, уни тупроқнинг табиий нами ҳисобига бир текис ундириб олиш бу мўл ҳосил асоси бўлади. Шунинг учун бутун техника воситалари ва иш кучи экишни жадал суръатларда ўтказишга қаратилган.

Бригадада ҳамма майдонларга АН-402 навли пахта чигит экилмоқда. Чигит экиш билан бир йўла ҳар гектар майдонга 100—120 килограмм аммофос солиняпти ва котаран гербициди сепилмоқда.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли» колхозининг бошқа бригадаларида ҳам чигит экиш ўюшқоқлик билан бошлаб юборилди. Бу иш, айниқса, Қаюм Сафаров, Маҳамаджон Раҳматов, Эшбой Қўчқоров, Исмоил Бозорбоев, Шарофат Худойбердиевалар бошлиқ бригадаларда қизғин олиб борилмоқда. Умуман пахта далаларига 20 та экиш агрегати чиқарилган. Уруғ тушадиган майдонлар 15 та ҳайдов тракторида сифатли борона қилинмоқда.

Хўжаликда область пахтакорлар Советининг Тавсияси асосида уруглик чигитни ивитиш марказлаштирилган ҳолда ташкил этилган.

— Бу ишни механизмлар ёрдамида бажаряпмиз, — дейди колхоз агроном-энтомологи Турғун Йўлдошев. — Уларда кунига 12—15 тонна туқли чигит ивитиляпти. Механизмлардан фойдаланиш меҳнат унумдорлигини ошириш билан бир қаторда уруглик чигитдаги дориларнинг ювилиб кетилмаслигини таъминлямоқда.

Эрта тонгдан оқшомгача поёнсиз далалар қўйнида жўшқин меҳнат ҳукмрон. Кун бўйи пайкаллар узра тракторларнинг овози янграйди. Соат сайин ўғит ташланган далалар кенгайиб боряпти. Пахтакор ва механизаторлар чигит экишни қисқа муддатларда тугаллаш учун астойдил ғайрат қилмоқдалар.

* * *

СЎНГГИ СОАТДА: кеча райондаги 14 та хўжаликнинг ҳаммасида оммавий чигит экишга киришилди. Механизаторлар пахта далаларига 300 тадан кўпроқ чигит экиш агрегатларини олиб чиқдилар. Ерга барака уруғи қадаш А. Икромов номли, Ленин номли, Ким Пен Ҳва номли колхозларда айниқса уюшқоқлик билан олиб борилмоқда.

Дала гвў-дянчиларн кунига 2 минг гектардан кўпроқ майдонга чигит экяптилар. Улар 15 минг 438 гектар ерга барака уруғи қадашни қисқа вақт ичида тугаллашни режалаганлар.

Э. ЭРНАЗАРОВ.

КАСАБА СОЮЗ ҲАЁТИ

БИЗ ҲАМ КАМАРБАСТАМИЗ

Бу йилги баҳорнинг шукуҳи ўзгача. Барча совет кишилари КПСС XXVI съезди қарорларидан руҳланиб ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йилида янада унумлироқ, меҳнат қилиб, Ватанни янги зафарлар билан мамнун этишга ошиқишяпти. Партиямиз съезди белгилаб берган улуғвор вазифаларни бажариш юзасидан бошланган умумхалқ мусобақасида фидокор аёлларимиз ҳам актив иштирок этмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинати йигирувчиси, таниқли тўқувчи опа-сингил Виноградовалар мукофоти лауреати Марзия Турсунхўжаева КПСС XXVI съезди очиладиган кунгача биринчи квартал планини бажариш юзасидан мажбурият қабул қилган эди. Моҳир йигирувчи съезд ўз ишини бошлайдиган кун арафасида ўз сўзининг устидан чиқди. Эндиликда у шахсий беш йиллик планини 1984 йилнинг майигача бажариш, беш йиллик давомида қўшимча 74,2 тонна калава ишлаб чиқариш учун курашмоқда.

Бундай ташаббускор аёллар олдинги беш йилликда ҳам кўп бўлган эди. Машҳур пахтакор, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова ўтган йил баҳорида гектаридан 60 центнердан «оқ олтин» хирмони кўтариш учун курашга отланган эди. Бу ташаббус бутун областимиз бўйлаб кенг қулоч ёйди. Ташаббускорнинг ўзи кузда улкан хирмон яратиб, эл таҳсинига сазовор бўлди. Бу йил у партиямиз XXVI съезди ишида қатнашиб, янги-янги режалар билан қайтди. Съездлар йилида ҳам олдинги йиллардагидек пахтадан мўл ҳосил етиштириш учун курашни бошлади. Ҳозирги кунда у чигитни тез ва соз экиб олиш устида қайғурмоқда.

Ишчи-хотин-қизларнинг унумли меҳнат қилишлари учун корхона ва хўжаликларда зарур шароитларнинг барчаси яратиб берилган. Кейинги йилларда аёллар меҳнатини енгиллаштириш устида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар туфайли 820 дан ортиқ аёл ишчи оғир қўл меҳнатидан халос қилинди. Кўплаб цех ва участкалар шароити яхшиланди. Коллектив шартномалар тузиш пайтида касаба союз комитетлари ишчи аёлларнинг меҳнат шароити ва маиший турмушини янада яхшилаш масаласини алоҳида пункт қилиб киритмоқдалар. Кўпгина корхоналар коллектив шартномани бажара бориб аёллар учун зарур иш шароитларини тўла яратиб бермоқдалар. Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Алмаликсвинецстрой», «Узбекшахтастрой» трестларида аёллар фақат биринчи сменада ишламоқдалар.

Тошкент область касаба союзлари Совети аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш масаласи билан доимо жиддий шуғулланиб келмоқда. Шу мақсадда ишлаб чиқилган план муваффақиятли амалга оширилянти. Ўтган беш йилликда болали оналар дам олишини уюштиришга, улар учун профилакторий-санаторийлар қуришга алоҳида эътибор берилди. Бу борада Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ химия заводи санаторий-профилакторийлари намунали ишларни амалга оширдилар.

Умуман, ҳозирги кунда областимизда 33 та санаторий-профилакторий ишлаб турибди. Ўтган йили бу шифохоналарда 11 мингдан ортиқ хотин-қиз ўз саломатлигини мустаҳкамлади, 460 дан ортиқ болали аёл дам олди.

Оилавий дам олишни уюштириш йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда. Ўтган йили 1300 дан ортиқ оила дам олиш уйларида, пансионатларда хордиқ чиқарди. Айниқса, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмасида оилавий дам олишлар яхши йўлга қўйилган. Бирлашманинг тоғ бағридаги дам олиш уйида ўтган йили 120 оила хордиқ чиқарди. Иссиқкўл соҳилларида ястаниб кетган дам олиш уйлари ҳам ёз фаслида тошкентлик ишчилар ва хизматчилар билан гавжум бўлади. Ҳозирги кунда бу оромгоҳлар янги мавсумга тахт қилинмоқда.

Болалар саломатлигини муҳофаза этиш, уларни жисмоний ва маънавий жиҳатдан чиниқтириш ҳам диққат-марказимизда турибди. Ёзги каникул бошланиши билан тоғ ён бағриларидаги пионер лагерлари ўқувчилар билан тўлади. Ўтган йилнинг ўзида пионер лагерларида 132 мингдан ортиқ бола дам олди, ёзни соз ўтказди. 24 минг ўқувчи эса санаторий типидаги лагерларда хордиқ чиқариб саломатлигини мустаҳкамлади. Касаба союз ташкилотлари хўжалик раҳбарлари билан ҳамкорликда ўқувчиларнинг бу йилги каникулларини ҳам мазмунли ўтказиш чораларини кўрмоқдалар.

Бундан ташқари болалар боғча ва яслилари қурилишига ҳам сўнгги йилларда катта эътибор берилаяпти. Ўтган беш йилликда салкам 50 минг ўринли боғча ва яслилар қурилди. Айни пайтда савдо, маданий-маиший объектлар тармоғи ҳам кенгаймоқда. Қисқа вақт ичида 160 дан ортиқ янги савдо корхоналари, 200 дан ортиқ ошхоналар бунёд этилди. 105 та кулинария ва ярим-фабрикат магазинлари ишлаб турипти. Бевосита корхоналарнинг ўзида кўчма савдолар ташкил этилаётганлиги ҳам аёллар вақтини тежаяпти. Уларнинг унумли ишлашларига ёрдам бераяпти. Ишчи аёлларимиз учун зарур шароитлар яратиб беришда, улар учун кўрсатилаётган медицина, савдо хизматларини яхшилашда бевосита касаба союз ташкилотлари бош-қош бўлмоқдалар. Ўтган йили фабрика-завод маҳаллий комитетлари аъзолигига сайланганларнинг 62,5 проценти аёллар бўлди. Бирлашмалар, фабрика, завод, колхоз ва совхозлар касаба союз ташкилотлари раҳбарларидан 51,6 проценти ҳозир аёллардир. Улар орасида биз В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси касаба союз комитети раиси В. Г. Хомова, «Чевар» фабрикаси касаба союз комитети раиси А. Имонназарова, Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози касаба союз комитети раиси Любовь Ли, «Ташгаз» бирлашмаси касаба союз комитети раиси Д. Зохидова ва бошқа ўртоқларнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

С. МУҲАММАДЖОНОВА,
Тошкент область касаба союзлари Совети секретари.

БРИГАДИР—МУРАББИЙ

ҒАЛАБА районидаги Гул луб заводининг Рихси Абдувоитова бошлиқ бригада аъзолари муваффақиятлар билан қифояланмай янада зўр ғайрат билан ишга киришдилар. Натижада ўтган йилги меҳнат ютуқлари бу йилги янги ғалабалар билан мустаҳкамланди.

1980 йилда бригада аъзолари 730 тонна ўрнига 930 тонна тола ишлаб чиқариб, йиллик планни анча барвақт бажарган эдилар. 1981 йилнинг дастлабки ойларидаёқ аҳил коллектив янада самарали меҳнат қилиб, пландан ташқари 44 тонна хомашё тайёрлади.

Рихси опа илғор коллективга бошчилик қилиш билан бирга корхона мураббийлар кенгашида ҳам актив қатнашиб келади. Ветеран ишчи ёшларга ўз тажрибасини ўргатиб, уларга амалий кўникмалар беради. Унинг дастлабки шогирдларидан бири Қ. Эгамқулова айни пайтда 4-бригадага бошчилик қиляпти. Салима Суханова, Римма Ивщина, Ҳолбуви Мирзақуловалар эса бугунги кунда завод ишлаб чиқариш илғорлари сафидан ўрин олишган.

Ғ. УМАРОВ,
М. НАЗИРОВА.

ОЛМАЗОР ФАЙЗИ

Олмазор — Чиноз районининг ободлик ва кўркам посёлкаларидан биридир. Бу ерда кейинги йилларда турли маданий-маиший, турар-жой бинолари қад кўтарди. Айниқса, савдо шохобчалари кенгайиб боряпти.

Яқинда посёлкада озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи магазин ишга туширилди. Замонавий усулда қурилган бу савдо шохобчасида харидорларга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Савдонинг ўз-ўзига хизмат кўрсатиш усули кенг қўлланиляпти. Алоҳида бўлимда Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига савдо хизмати кўрсатилади.

Ҳозирги пайтда посёлкада яна бир магазин қурилиши ниҳоясига етмоқда. Район матлубот жамияти қурувчилари бу савдо шохобчасини ҳам тез орада фойдаланишга топширишни мўлжаллашмоқда.

М. ЗАРИПОВ.

УЗБЕКИСТОН стандартизация ва метеорология маркази электромагнит ўлчов асбоблари ҳолатини назорат қилиш бўлимининг инженери Муборак Ирисова кўп йиллардан бери шу даргоҳда меҳнат қилиб келяпти. Муборак У-1138 мосламасида намунали электромагнит ускуналарини текширади. У бажарган иш ҳамма вақт яхши ва аъло баҳоланяпти.

А. Хачатурян фотоси.

ЧИРЧИҚ пойафзал фабрикасининг юзлаб ишлаб чиқариш илғорлари 18 апрель Бутуниттифоқ Коммунистик шанбалигида тежалган хом ашё ҳисобига ишлашга аҳд қилдилар. Зарбдор ишчи Собир Нурматов тежамкорликда олдинги сафда боряпти. У ўнинчи беш йилликда 10 минг сўмликдан кўпроқ хомашёни тежаб қолишга муваффақ бўлди. Суратда: С. Нурматов.

В. Сироткин фотоси.

СОВЕТЛАР ВА ОММА ИЖОДКОРЛИГИ

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми халқ депутатлари Бўка район Советининг КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди қарорларини амалга ошириш юзасидан тадбирларини маъқуллади. Район ва шаҳар Советларига ўн биринчи беш йиллик социал-иқтисодий программасини бажариш борасида конкрет тадбирлар ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш тавсия этилди.

Бўка район ижроия комитетининг раиси А. МУМИНОВ тадбирларни қуйидагича шарҳлайди.

— Бўка районида меҳнаткашлари барча совет кишилари каби КПССнинг XXVI съезди тарихий қарорлари, Ленин партиясининг ички ва ташқи сиёсатини қизғин ва якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар. КПССнинг XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ қилишга қатъий қарор берганликларини билдирмоқдалар, — деди ўртоқ А. Мўминов.

Халқ депутатлари Бўка район Совети районни комплекс иқтисодий ва социал ривожлантириш, корхона ва муассасалар, колхозлар ва совхозларга раҳбарлик даражасини ошириш ва уларнинг ер-сув, қурилиш, меҳнат ресурсларидан фойдаланиш, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш, аҳолига социал-маданий ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш соҳасидаги фаолиятларини марказлаштиришни ўз вазифалари деб билади.

Район Совети ижроия комитети ўн биринчи беш йиллик учун конкрет иш программасини тузиб чиқди. Тадбирларимизнинг асосини корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозларнинг таклифлари ташкил қилади.

Бу беш йилликда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўртача йиллик ўсишини 6,2 процентга етказишни пландаштирганмиз. Ўсишнинг 90 проценти меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, маҳсулот сифатини ошириш, тежамкорлик эвазига таъминланади.

Корхоналардаги қатор цех ва участкалар реконструкция қилинади ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлантирилади. Районни социал-иқтисодий ривожлантириш программасини амалга ошира бориб ва меҳнат ресурсларини янада оқилона жойлаштира бориб Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиалини кенгайтириш ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1980 йилдаги 3 миллион сўмликдан 1985 йилда 10 миллион сўмга етказишни мўлжаллаяпмиз. «Гулистон» совхозида мева ва сабзавотларни қайта ишловчи корхонани фойдаланишга топшириш кўзда тутилянти.

Уй-жой қурилишига катта эътибор бердик. Беш йиллик давомида умумий майдони 60 минг квадрат метрлик турар-жой бинолари, шунингдек, мактабларо профилакторий ва пионер лагери қурилади.

Пассажир транспортининг фаолияти сезиларли даражада яхшиланади, янги автобус маршрутлари очилади.

Автомат-телефон станцияларининг тармоғи кенгаяди, янги шаҳарлараро алоқа системаси ишга туширилади, алоқа уйи фойдаланишга топширилади.

Бўка районида меҳнаткашлари 1981 йилда ўнинчи беш йилликдагига қараганда пахта етиштиришни кўпайтирадилар ва 80 минг тонна пахта топширадилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқлари ҳам жадал ривожлантирилади.

Деҳқончилик маданиятини ошириш, алмашлаб экишни ўзлаштириш, минерал ўғитлар ва бошқа химия воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, эскидан ҳайдаб келинадиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, комплекс механизациялаштириш асосида бир йиллик охирига бориб пахта ҳосилдорлигини 38 центнер, маккажўхори донини 90 центнер, шолини 65 центнер, ялмикор майдонлардаги бошоқли экинларни 16 центнер, сабзавотни 200 центнер, қовун-тарвузни 230 центнер, узумни 50 центнерга етказишни планлаштиряпмиз.

Чорвачиликка интенсив методларни жорий қилиш туфайли хўжаликларимиз гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни янада кўпайтиришга эришдилар. Бизнинг мўлжалимиз 1985 йилга бориб қорамоллар сонини 11,9 минг бошга, жуналдан, сигирларни 4,3 минг бошга етказиш ёки 24 процентга кўпайтириш, қўйлар сонини 10 мингтага етказиш ёки 10 процент кўпайтириш, парандаларни 60 мингтага, шу жумладан товуқлар сонини 25 мингга етказиш ёки икки баравар кўпайтиришдир. Қорамол ва парандалар маҳсулдорлигини ошириш таъминланади.

Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда матлубот кооперациялари, корхоналар, пахтачилик бригадалари ёрдамчи хўжаликларининг актив иштироки муҳим резервлардан бўлиб қолади. Халқ депутатлари Советлари аҳоли шахсий хўжаликларини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашадилар, ҳар бир қишлоқ меҳнаткашининг хонадонида қорамол ва паррандалар боқилишига эришадилар.

Шу асосда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш, жумладан, гўшт етиштиришни 1,6 баравар, сут етиштиришни 1,6 баравар, тухум етиштиришни 2,1 баравар оширишга эришамиз.

Беш йиллик тадбирларида механизаторлар, сувчилар чорвачилик ходимлари каби оммавий касб кадрларини тайёрлаш, мураббийчилик ҳаракатини ривожлантиришни яхшилашни планлаштирганмиз. Область Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Ковалева бригадаси базасида механизаторлар илғор тажриба мактаби ва район Совети депутати, соғувчи Ш. Шоҳмонова меҳнат қилаётган ферма базасида ёш чорвадорлар мактаби ташкил этишга қарор қилдик.

Ўн биринчи беш йилликда районда савдо корхоналари, коммунал-хўжалик тармоқлари кенгайтирилади, 43 та янги магазин очиш, 300 ўринли ошхона, 100 ўринли меҳмонхона ва типовой колхоз бозори қуриш планлаштирилди. 20 хил маиший хизмат турлари ўзлаштирилади. Медицина ёрдами ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш сифати ва маданиятини ошириш район Советининг диққат марказида турибди. Беш йилликда 100 беморга мўлжалланган шифохона, санитария-эпидемиология станцияси, 4 та амбулатория, 7 та фельдшер-акушерлик, 5 та соғлиқни сақлаш пунктлари, спорт комплекси ва спорт майдончалари қурилади, янги дам олиш зонаси бунёд этилади. Болаларга сут маҳсулотларидан овқат тайёрловчи марказлашган ошхонани кенгайтириш ҳисобига эҳтиёжни тўла қондиришга эришилади.

Район партия комитети раҳбарлигида аҳолига кўрсатилаётган маиший хизмат маданиятини бундан кейин ҳам ошириб борамиз, маданий-қартув ишлари моддий базасини мустаҳкамлаймиз. 1981 йилда марказий кутубхонаси бўлган 600 ўринли район маданият уйи қурилишини тугаллаймиз ва фойдаланишга топширамиз. Кўштепа ва Қорақўйли қишлоқ Советларида клуб шохобчалари марказлаштирилади. 1984—1985 йилларда Кўкорол ва Ленинобод қишлоқ Советларида социал-маданий комплексларни ташкил этиш планлаштирилмоқда. Беш йил ичида давлат кутубхоналарининг китоб фонди 200 минг томга кўпайтирилади.

Барча пахтачилик ва бошқа бригадалар яхши жиҳозланган дала шийпонларига эга бўладилар.

Тадбирларимизнинг таркибий қисми район маркази ва аҳоли турар-жойларини ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш, аҳолининг санитария маданиятини оширишдан иборатдир. Корхоналар, ташкилотлар, колхозлар ва совхозлар ҳиссаси билан 1981 йилда 316 минг сўмлик ободонлаштириш ишлари бажаришни мўлжаллаганмиз, 1982 йилда эса район марказини газлаштиришни бошлаймиз. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари давом эттирилади.

Халқ маорифи янада ривожланади, унинг моддий базаси мустаҳкамланади. 5,7 минг ўқувчига мўлжалланган 7 та мактаб, 1520 ўринли 12 та болалар боғчаси ва яслиси қурилади, шунингдек барча мактабларда кабинетлар, ишлаб чиқариш устахоналари ташкил этилади, ошхона, буфет, медицина пункти, тиш даволаш кабинетлари очилади.

Ўқувчилар ўртасида касб танлаш бўйича ишлар давом эттирилади. Ҳар йили 402 киши етуклик аттестатини олиш билан бирга қишлоқ хўжалик касбларини ҳам эгаллайди.

Район маҳаллий Советлари ва уларнинг органлари меҳнат, гоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбияга комплекс ёндошишни ўзларининг муҳим вазифалари деб биладилар. Бунда ёшларни партия ва халқнинг энг яхши анъаналари руҳида тарбиялаш муҳим роль ўйнайди.

Халқ депутатлари район Советининг сессиясида қабул қилинган кенг программани амалга ошириш учун район, шаҳар ва қишлоқ Советлари, уларнинг ижроия комитетлари ва доимий комиссияларидан ташкилотчилик ишларини янада ошириш талаб қилинади.

СССР ва Ўзбекистон ССР Конституциялари, республика қонунчилиги талаблари асосида Советларнинг сессиялари аҳамиятини оширамиз. Хўжалик ва социал-маданий ҳаётнинг муҳим масалалари депутатлар муҳокамасига қўйилади, қарорлар сўзсиз амалга оширилишига эришилади, ҳар бир сессияда бу қарорлар бажарилишининг бориши ҳақида ахборот берилади.

Яқинда КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли тўла ва ошириб бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарори эълон қилинди. Бу ҳужжатда «Самарали ва сифатли ишлайлик!» — мусобақанинг асосий шиори деб уқтирилган. Бу эса маҳаллий Советлар ва уларнинг органлари, барча халқ вакиллари зиммасига корхоналарнинг маъмуриятлари ва жамоат ташкилотлари, колхоз правлениелари ва совхоз дирекциялари билан ҳамкорликда социалистик мусобақа шартлари ва социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш ва унга якун ясашда янада актив иштирок этиш вазифасини юклайди.

Мусобақалашаётганларни моддий ва маънавий рағбатлантиришни яхшилаш мақсадида кўчма Қизил байроқлар ва вимпеллар таъсис этилади, уларни мукофотлаш учун керакли моддий маблағлар ажратилади.

Районлар, шаҳар ва қишлоқ Советлари депутатларнинг ишлаб чиқариш коллективларидаги ролини янада ошириб борадилар. Ҳар бир коллективда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини акс эттирувчи бурчаклар жиҳозланади, «Мусобақа экрани» ташкил этилади. Депутатларнинг план топшириқлари ва мажбуриятларнинг қандай бажараётганликлари акс эттириб борилади.

Ҳар кварталда «Депутат куни» ўтказилади. Унда халқ вакилларига план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақида ахборот бериб борилади. Илғор тажрибалар, қимматли ташаббусларни кенг ёйиш бўйича депутатларнинг ахборотлари тингланади.

Ҳамза номли колхоз аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати К. Оқулова, «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг механизатори, область Советининг депутати С. Усеннов, «Партия XIX съезди» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, район Советининг депутати А. Аҳмедов, «Ленинобод» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи, қишлоқ Советининг депутати, КПСС XXVI съезди делегати И. Ҳожибекованинг 1981 йилда ҳар гектар ердан 50—60 центнердан пахта ҳосили олиш ҳақидаги ташаббуси яқинда бўлиб ўтган сессияда маъқулланди. Бу ташаббус барча хўжаликларда қўллаб-қувватланмоқда.

КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш бўйича тадбирларнинг бажарилиши. Советларнинг сессияларида, ижроия комитетларида ва доимий комиссияларда мунтазам кўриб борилади. Тадбирларнинг изчил бажарилиши учун барча имкониятларни сарфлаймиз.

Бўка район Совети, унинг депутатлари ва активлари партия планларини амалга ошириш йўлида барча ички резервларни тўла сафарбар этадилар.

ИЛҒОР ТАЖРИБА — ҲАММАНИНГ МУЛКИ

КПСС XXVI СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ — ОММАГА!

АГИТПОЕЗД ҲАМИША ЙЎЛДА

ЯҚИНДА «Ўзбекистон комсомоли» агитация поезди Тошкент области шаҳар ва районларидан қайтиб келди.

Агитпоезд коллективининг ташвиқот ва тарғибот ҳамда бадиий-ижодий группалари область ёшлари орасида КПСС XXVI съезди қарорларини пропаганда қилишга бағишланган учрашувлар ўтказдилар.

Улар Олмалиқ мис бойитиш фабрикаси, Оҳангарон цемент комбинати, Янгийўл пойафзал фабрикаси, Ғалаба районидаги Волков номли, Бўстонлиқ районидаги Жданов номли совхозлар, Ўрта Чирчиқ районидаги «Ленин йўли», Бўстонлиқ районидаги Калинин номли колхоз ҳамда Бекобод иншоотлар техникумида бўлиб, ёш ишчилар, колхозчилар ҳамда талабалар билан учрашдилар.

«КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга» доимий ҳаракатдаги лекторийси йигирмадан ортиқ машғулот ўтказди.

Партия ва комсомол ветеранлари, Улуғ Ватан урушн қатнашчилари, олимлар билан бўлиб ўтган мулоқотлар айниқса мароқли бўлди.

Партия ва комсомол ветерани, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Чиниҳон Иброҳимова, Улуғ Ватан уруши ветерани, республика «Билим» жамияти лектори Содиқ Тоиров, СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, филология фанлари кандидати Насрулла Давронов, фалсафа фанлари кандидати Ранса Казакова, «Прогресс» нашриётининг редактори Шароф Мирзаев ўртоқлар ёшлар билан учрашувларида партия XXVI съездя ҳамда Ўзбекистон Компартияси XX съезди мамлакатимиз ва республикамизни ўн биринчи беш йилликда иқтисодий ва социал ривожлантириш борасида белгиланган улуғвор режаларининг моҳиятини ёшларга кенг тушунтириб, яқин келажакда уларнинг таълим олиши, меҳнат қилиши ва дам олиши учун кўрилажак муҳим тадбирлар ҳақида атрофлича сўзлаб бердилар. Ватанимиз йигит-қизларининг янги беш йиллик давомида амалга оширадиган жуда катта ишларини таърифладилар.

Агитпоезд коллективи область партия, совет, комсомол ташкилотларининг съезд қарорларига бағишлаб ўтказган кўпгина тадбирларида фаол иштирок этдилар. Жумладан, улар Ўрта Чирчиқ районида Бектемир шаҳрига Наримонов номи берилганига атаб ўтказилган митингда қатнашдилар.

Айни вақтда бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам кўрсатилди. «Сўқоқ» дам олиш уйида область аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаларининг бошланғич комсомол ташкилотлари секретарлари учун махсус семинар ўтказилди.

Комсомол агитпоезди иштирокчилари меҳнат коллективларида ўтказган учрашувлар давомида шунга амин бўлдиларки, КПСС XXVI съезди тарихий қарорларидан руҳланган область комсомолларн ва ёшлари ўн биринчи беш йиллик марраларини эгаллаш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасида фаол қатнашмоқдалар. Улар ўзларининг ёшлик ғайрати, билимлари ва маҳоратларини Ватан хизматига йўналтирганлар.

Юқорида тилга олинган тадбирларнинг ҳаммасида бадиий ижодкорлар ҳам иштирок этдилар. Муқимий номли музикали комедия театри, Навоий номли Наманган область театри, Фарғона область филармонияси-нинг «Тарона» ансамбли иштирокчилари 30 га яқин концерт бериб, дилларни хушнуд қилишди.

«Ўзбекистон комсомоли» агитпоезди область ёшлари орасида ўтказган оммавий-сиёсий ва маданий тадбирларида 10 мингга яқин йигит-қиз қатнашди.

Х. ЗУФАРОВ,
агитпоезд инструктори.

ГАЗЕТА ТЕМАСИДА

ТАШАББУС ҚУЛОЧ ЁЙСИН

Тошкент области меҳнаткашлари КПСС XXVI съезди қарорларига жавобан бу йил эл дастурхонини сабзавот, картошка, мева ва бошқа хил ноз-неъматларга яна ҳам тўкин қилишни мақсад қилиб қўйганлар. Яқинда бир группа сабзавоткор ва соҳибкорлар ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Улар йиллик план ва социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари мўл-кўллигини таъминлаш учун кураш бошладилар. Бу ташаббус район партия комитети томонидан қизғин маъқулланди.

«ШОНЛИ МЕҲНАТ» газетасининг навбатдаги сонида Охунбобоев номли колхоз сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Наби Эшонов, Карл Маркс номли колхоз механизацялаштан звено бошлиғи Аҳмад Исроилов, Абдураҳмонов номли совхоз боғдорчилик бригадаси бошлиғи Тоҳир Ғафуров ва бошқа ўртоқларнинг ташаббуси ҳақида кенг ҳикоя қилинди.

Ташаббускорлар бошқаришни такомиллаштириш, маҳсулот етиштиришни ихтисослаштириш, ҳосилдорликни ошириш эвазига олинадиган ноз-неъматларни янада кўпайтириш омиллари ҳақида ўртоқлашдилар. Улар тажрибасини газета оммалаштириб яхши иш қилган. Эндиликда бу ташаббус хўжаликларда қандай қўллаб-қувватланаётганлиги ҳақида ҳам газетхонларга мунтазам маълумот бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

ЧОРАК АСР РУЛДА

ДАРЁ сувини баҳор тоширади, инсон қадрини меҳнат оширади, дейишади. Мен Эшмуҳаммад акани кўрганимда, унинг муваффақиятларини эшитганимда ҳамиша шу ҳикмат ёдимга келади. Чунки, Эшмуҳаммад ака эсини танганидан бери суяги меҳнатда қотиб, ўз касбини ардоқлаб ва шу касбдан обрў-эътибор топиб келаётган меҳнаткаш кишилардан.

Эшмуҳаммад Иномов меҳнат фаолиятини Оққўрғон районидаги Навоий номли колхозда тракторчиликдан бошлади. Орадан беш йил ўтгач, машина рулига ўтирди.

— Мен Эшмуҳаммадни 1946 йилдан буён дўст сифатида яхши биламан,— дейди гараж мудири Сергей Васильевич Дуркин.— У коллективда ўзининг хушмуомалалиги, ўз ишига талабчанлиги билан ажралиб туради. Машинаси доимо озода, йўлга шай бўлади. 14 йилдан буён бир коллективда бирга ишлар эканмиз, унинг бирон марта шахсий планини бажармаганини ёки бирон жазо олганини эслолмайман.

Эшмуҳаммад Иномов пиру-бадавлат оила бошлиғи ҳамдир. Фарзандлари ота изидан бориб, меҳнаткаш бўлиб етишишди. Бойимуҳаммад ва Нурмуҳаммадлар кўп йиллардан бери шофёр бўлиб ишлаб келишмоқда. Бойимуҳаммад яқинда «Коммунизм» колхозининг гараж мудири вазифасига тайинланди. Ҳолмуҳаммад эса район ремонт қурилиш бошқармасининг илғор ишчиси. Қизи Ҳавохон муаллима, бошқа фарзандлари мактабда аъло баҳоларга ўқишяпти.

Ойдин йўлингизда омад ёр, сафар бехатар бўлсин Эшмуҳаммад ака!

Б. ҒАНИЕВ,
колхоз аъзоси.

МУКОФОТ МУБОРАК

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

СССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ БИРЛАШМАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ҚОРХОНАЛАРИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ СССР ОРДЕН ВА МЕДАЛЛАРИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТҮҒРИСИДА

Ўнинчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларни бажаришда эришган ютуқлари учун **мукофотлансин:**

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ БЎЙИЧА

ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН

Каримов Олим — «Алмаликсвинецстрой» трести 344-механизациялашган кўчма колоннаси ғишт терувчилар бригадири.

Терман Леонид Яковлевич — «Ўзбекшахтострой» трестининг бошқарувчиси.

ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНИ БИЛАН

Қўлдошев Роман Ҳамидович — «Алмаликсвинецстрой» трести бошқарувчиси.

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Воликов Петр Михайлович — «Алмаликсвинецстрой» трести 345-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадаси бригадири.

Гречушкин Анатолий Петрович — «Ўзбекшахтострой» трестининг бош инженери.

Комилов Мирҳамид — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси 8-темирбетон буюмлари заводи директори.

Мешалкина Галина Павловна — 160-қурилиш трести «Чирчиқхимстрой» қурилиш бошқармаси сувоқчиси.

Мухтаруллин Анвар Мухтарулович — «Ўзбекметаллургстрой» қурилиш трести 2-қурилиш-монтаж бошқармаси дурадгори.

Назаров Абдуҳамид Назарович — «Алмаликсвинецстрой» трести 5-қурилиш бошқармасининг бош инженери.

Перетягин Анатолий Александрович — 160-қурилиш трестининг бош инженери.

Сути-ўғли Файзулла — «Алмаликсвинецстрой» трести 345-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадаси бригадири.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Гарифулин Қосим Абдуллаевич — «Ўзстройманизация» республика ихтисослашган трести 93-механизациялашган кўчма колоннасининг катта иш юритувчиси.

Кирпичев Виктор Андреевич — «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси 15-механизациялашган кўчма колоннасининг экскаватор машинисти.

Соловьев Анатолий Петрович — «Ўзбекшахтострой» трести партия комитетининг секретари.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдуллаев Жамил — 6-қурилиш трести 109-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадаси бригадири.

Бриндстер Юрий Венделинович — 160-қурилиш трести «Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бригадири.

Жан Александр Александрович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 11-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Калустьян Эдуард Вартанович — «Ўзградострой» ишлаб чиқариш бирлашмаси шаҳар қурилиш бошқармаси бошлиғи.

Соатов Руслан Султонович — «Ўзбекметаллургстрой» трестининг бошқарувчиси.

Токарев Ҳалит — «Ўзбекметаллургстрой» трести 3-ихтисослашган бошқармаси сувоқчилар бригадири.

Ҳамидов Анатолий Константинович — 160-қурилиш трести бошқарувчисининг ўринбосари.

Чадин Сергей Николаевич — «Ўзбекшахтострой» трести 6-қурилиш бошқармаси бошлиғи.

Йўлдошев Исамат — «Ўзбекшахтострой» трести 1-механизациялашган кўчма колоннаси ғишт терувчилар бригадири.

Яковенко Екатерина Федоровна — «Ўзбекметаллургстрой» трести бинокорлик материаллари ва конструкциялари заводининг кран машинисти.

II ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Комарова Степанида Анисимовна — «Ўзбекшахтострой» трести пардозлаш ишлари қурилиш бошқармаси пардозловчи—плита ётқизувчилар бригадири.

Осмонов Сейдали — 6-қурилиш трести 2-механизациялашган кўчма колоннасининг дурадгори.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Абзалиддинов Радик Акмалутдинович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Бутко Вера Стефановна — 160-қурилиш трести «Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармаси суводчиси.

Воробей Петр Иванович — «Алмаликсвинецстрой» трести 345-механизациялашган кўчма колоннаси дурадгори.

Гараев Шамсун Гараевич — «Ўзградострой» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ангрен шаҳар қурилиш бошқармаси монтажчиси.

Гильманов Динислом Нуъмонович — «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси 15-механизациялашган кўчма колоннасининг қувур ётқизувчилар бригадири.

Зубарев Геннадий Федорович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси авторемонт заводининг силиқловчиси.

Иванов Олег Васильевич — «Ўзстройманизация» трести 16-механизациялашган кўчма колоннасининг кран машинисти.

Қодирова Гулчеҳра — «Алмаликсвинецстрой» трести 344-механизациялашган кўчма колоннасининг бўёқчи-суводчиси.

Карстен Валентин Федорович — «Ўзградострой» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ангрен шаҳар қурилиш бошқармаси стропилчилар бригадири.

Кондратюк Георгий Григорьевич — «Ўзбекшахтострой» трести 95-механизациялашган кўчма колоннаси монтажчиси.

Маланич Владимир Александрович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 5-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Стенин Виктор Степанович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 10-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Фалюшин Николай Ефимович — 160-қурилиш трести «Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармасининг монтажчиси.

Фокин Сергей Ильич — «Ўзбекметаллургстрой» қурилиш трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг электр пайвандчиси.

Халилов Ҳамза — «Ўзстройтранс» автотранспорт бирлашмаси 9-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Карим — «Алмаликсвинецстрой» трести йиғма темир-бетон заводининг оҳак сўндирувчиси.

Бобоев Абдумалик — «Ўзбекметаллургстрой» қурилиш трести бинокорлик материаллари ва конструкциялари заводининг оҳак ўчирувчиси.

Бережной Александр Васильевич — «Алмаликсвинецстрой» трестининг бош инженери.

Буданцева Алефтина Ивановна — 6-қурилиш трести 127-механизациялашган кўчма колоннасининг суводчиси.

Бриндстер Юрий Венделинович — 160-қурилиш трести «Чирчиқжилстрой» қурилиш бошқармаси комплекс бригадаси бригадири.

Вертиганова Таисия Ивановна — «Ўзбекметаллургстрой» қурилиш трести бинокорлик материаллари ва конструкциялари заводининг оператори.

Ветишев Георгий Васильевич — «Ўзбекшахтострой» трести кичик механизация участкасининг слесарлар бригадири.

Иботов Бўри — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси 8-темир-бетон буюмлари заводининг қолипловчилар бригадири.

Маллаев Анорбой Ўролович — «Алмаликсвинецстрой» трести 291-механизациялашган кўчма колоннаси дурадгори.

Петренко Римма Сергеевна — «Ўзбекшахтострой» трести йиғма-темир бетон заводи директори.

Передери Владимир Иванович — «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси 15-механизациялашган кўчма колоннасининг экскаватор машинисти.

Портняжкина Лидия Андреевна — 160-қурилиш трести 307-механизациялашган кўчма колоннасининг бўёқчиси.

Рўзбоев Ўктам Тўраевич — 160-қурилиш трести бинокорлик материаллари комбинатининг бетончилар бригадири.

Савиних Николай Дмитриевич — «Ўзстроймеханизация» трести 16-механизациялашган кўчма колоннасининг экскаватор машинисти.

Сапегина Анастасия Спиридоновна — «Таштракторострой» қурилиш-монтаж трести 281-механизациялашган кўчма колоннасининг ғишт терувчиси.

Сатторов Турхун Гауфович — «Устройиндустрия» республика бирлашмаси норуда материаллар карьерининг электр пайвандчиси.

Семёнов Владимир Николаевич — 6-қурилиш трести 11-механизациялашган кўчма колоннасининг суводчилар бригадири.

Смолин Юрий Сафронович — «Ўзбекшахтострой» трести 95-механизациялашган кўчма колоннасининг монтажчилар бригадири.

Тичина Валентина Яковлевна — «Алмаликсвинецстрой» трести ишлаб чиқариш технологик комплектлаш бошқармасининг транспорт ишчиси.

Усачев Александр Михайлович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 14-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Усмонов Ботиржон Султонович — «Ўзбекшахтострой» трести 6-қурилиш бошқармасининг дурадгори.

Хўжанов Эгам — «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтисослашган участкаси токари.

Храпова Маргарита Константиновна — халқ депутатлари Ангрен шаҳар Совети ижроия комитети бошқармаси бошлиғи.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдурахманов Жумабой — «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси ихтисослашган бошқармаси қувур ётқизгич машинисти.

Ажнаблаев Аблялим — 169-қурилиш трести 225-ишлар бошлиғи бошқармаси дурадгори.

Андрианов Николай Иванович — «Ўзбекшахтострой» трести пардозлаш ишлари қурилиш бошқармаси сувоқчиси.

Аннамуродов Отажон — «Ўзбекшахтострой» трести 346-механизациялашган кўчма колоннаси ғишт терувчилар-бригадири.

Аралов Эшбой Аралович — «Алмаликсвинецстрой» трести 291-механизациялашган кўчма колоннаси комплекс бригадаси бригадири.

Асанов Бекир — 6-қурилиш трести ишлаб чиқариш-технологик комплектлаш бошқармаси дурадгори.

Данилов Александр Иванович — 6-қурилиш трести 163-механизациялашган кўчма колоннаси бетончиси.

Детин Владимир Михайлович — 4-ихтисослашган трест 11-«Промбурвод» ихтисослашган бошқармаси монтажчи слесарлар бригадири.

Жабборов Рожон — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси 5-темир-бетон буюмлари заводи бетончиси.

Загидуллина Сария Салимовна — «Ўзбекметаллургстрой» қурилиш трести 3-ихтисослашган бошқармасининг суводчиси.

Эржигитова Майра Каримовна — «Алмаликсвинецстрой» трести 5-қурилиш бошқармасининг суводчи-бўёқчиси.

Истомин Павел Иванович — «Ўзградострой» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш-технологик комплектлаш бошқармаси юк ортиш ҳайдовчиси.

Ким Монсей — 6-қурилиш трести кичик механизация участкасининг экскаватор машинисти.

Коначков Алексей Николаевич — «Ўзстроймеханизация» трести 2-ихтисослашган механизация бошқармасининг экскаватор машинисти.

Кочемасов Геннадий Александрович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиғи.

Мамедова Валентина Петровна — «Ўзбекшахтострой» трести йиғма-темир бетон заводининг электр пайвандчиси.

Нечай Николай Иванович — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг қолипловчилар бригадири.

Нишонов Сайфи — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинати қолипловчиси.

Ниёзов Раҳматулла Мусакович — «Ўзградострой» ишлаб чиқариш бирлашмаси механизация бошқармасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Нуриддинов Сайфулла — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 7-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Пирматова Саломат — «Ўзбекметаллургстрой» қурилиш трести ишлаб чиқариш-технологик комплектлаш бошқармасининг транспорт ишчиси.

Пушканова Мария Гавриловна — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси 4-темир-бетон буюмлари заводининг электр пайвандчиси.

Раҳимбердиев Усмон Сулхонович — 160-қурилиш трести 277-механизациялашган кўчма колоннаси бетончиси.

Раҳмонова Рухсой Маҳкамовна — «Стройдеталь» трести 2-ёғочсозлик заводи бўёқчиси.

Раҳматуллина Ноила Гадиловна — 160-қурилиш трести 225-ишлар бошлиғи бошқармасининг бўёқчиси.

Романов Александр Александрович — «Алмаликсвинецстрой» трести кичик механизация участкасининг токари.

Рўзиев Латифжо Муродович — 6-қурилиш трести 2-кўчма механизациялашган колоннасининг иш юритувчиси.

Соболев Владимир Степанович — «Алмаликградострой» трести шаҳар қурилиш бошқармасининг монтажчиси.

Турков Павел Григорьевич — «Ўзбекшахтострой» трести 6-қурилиш бошқармасининг ғишт терувчиси.

Ушакова Людмила Васильевна — «Ўзстроймеханизация» трести 2-ихтисослашган механизация бошқармасининг кран машинисти.

Фахруллина Васила — «Спецэлеватормельстрой» трести 5-қурилиш поездининг бетон қорувчиси.

Хабилов Анорбой — «Ўзбекшахтострой» трести ишлаб чиқариш-технологик комплектлаш бошқармасининг ишчиси.

Хусанбоев Акбарали — «Алмаликсвинецстрой» трести кичик механизация участкасининг тракторчиси.

Шиахметов Равил Гареевич — «Алмаликсвинецстрой» трести ишлаб чиқариш технологик-комплектлаш бошқармасининг транспорт ишчиси.

Шмакова Галина Федоровна — «Алмаликсвинецстрой» трести йиғма-темир бетон заводининг арматурачиси.

Юркасов Виктор Степанович — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинатининг қолипловчилар бригадири.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахимов Ҳожакбар Ҳаматович — «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси асфальт-бетон заводининг газ-электр пайвандчиси.

Буров Анатолий Николаевич — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.

Рулев Василий Иванович — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмасининг 2-темир-бетон буюмлари заводи қолипловчиси.

Саркисов Георгий Минасович — халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари.

Хакимов Тошмуҳаммад — «Ташпромстрой» трести 57-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бригадири.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН

Ан Владимир Иванович — «Таштракторострой» қурилиш-монтаж трестининг 126-кўчма механизациялашган колоннаси бошлиғи.

«ҲУРМАТ БЕЛГИСИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Аббосхонов Нўъмон Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг биринчи ўринбосари.

Викторов Анатолий Ефремович — Ўзбекистон Компартияси Октябрь район комитетининг иккинчи секретари.

Жўрабоев Маҳмуд — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж трести пардозлаш қурилиш бошқармаси бригадири.

Дятлов Александр Владимирович — «Спецэлеватормельстрой» монтаж-созлаш бошқармасининг слесарь-монтажчилар бригадири.

Журбас Леонид Дмитриевич — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси бош инженери.

Коников Юрий Николаевич — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Корниенко Николай Степанович — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг комплекс бригадаси бригадири.

Олейник Владимир Михайлович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмасининг 10-автобазаси автомобиль ҳайдовчилари бригадири.

Урин Самуил Павлович — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж трести бошқарувчисининг ўринбосари.

Фозилов Борихон — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж трести пардозлаш-қурилиш бошқармасининг сувоқчилар бригадири.

Хуснидинов Шавкат Адиевич — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси 2-темир-бетон буюмлари заводининг электр пайвандчиси.

Чакал Али Аметович — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси 1-тажриба-эксперименталь механика заводининг ишчиси.

Червов Виктор Федорович — Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети ишлар бўлим мудири.

Эшпўлатов Йўлдош Хўжамиёрович — «Таштракторострой» қурилиш-монтаж трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг электр пайвандчиси.

III ДАРАЖАЛИ МЕҲНАТ ШУҲРАТИ ОРДЕНИ БИЛАН

Аббосов Аброр Илёсович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 8-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Акбаров Улуғбек Рустамович — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж трести пардозлаш-қурилиш бошқармасининг дурадгорлар бригадири.

Егоров Сергей Андреевич — «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Қўйлиқдаги асфальт-бетон заводи токари.

Коновалов Федор Кириллович — Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ишлар бошқармасининг ремонт-қурилиш бошқармаси дурадгори.

Равшанов Нажим — «Спецэлеватормельстрой» трести монтаж-созлаш бошқармасининг электр пайвандчилар бригадири.

Сайдаҳмедов Малик Маҳкамович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб чиқариш бирлашмаси 8-автобазасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Шоймардонова Антонина Демьяновна — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж трести 63-қурилиш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчиси.

«ШАВКАТЛИ МЕҲНАТИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Богомолова Матрёна Спиридоновна — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг инструктори.

Гарипова Любовь Петровна — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Гимаднева Флера Миннувалиевна — «Таштракторострой» қурилиш-монтаж трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчиси.

Иваненко Анатолий Яковлевич — «Таштракторострой» қурилиш-монтаж трести 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг монтажчиси.

Измайлов Григорий Измайлович — «Ўзтрансспецстрой» республика бирлашмаси Тошкент тажриба эксперименталь механика заводининг директори.

Келлер Рафаил Иосифович — «Таштракторострой» қурилиш-монтаж трестининг бош инженери.

Моссеев Юрий Семёнович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг бошқарма бошлиғининг ўринбосари.

Назарбеков Валентин Отабекович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Винклер Эдуард Яковлевич — «Спецэлеватормельстрой» ихтисослашган қурилиш-монтаж трести бошқарувчисининг ўринбосари.

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдуллаев Ҳамидулла — «Узоргтехстрой» лойиҳа-технология трестининг бош механиги.

Ешонқулов Толен — «Ўзтрансспецстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш-технология комплектлаш бошқармасининг автомобиль ҳайдовчиси.

Зотов Александр Матвеевич — «Ташпромстрой» трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бригадири.

Зотов Юрий Михайлович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари.

Ковтунов Александр Владимирович — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж трестининг 50-қурилиш-монтаж бошқармаси электр пайвандловчиси.

Мамажонов Обиджон — «Ташпромстрой» трести 57-қурилиш-монтаж бошқармасининг ғишт терувчиси.

Набиев Абдуҳаким Ғаниевич — «Устройиндустрия» республика бирлашмаси 1-тажриба эксперименталь механика заводининг моделчиси.

Нагорнов Александр Петрович — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси Тошкент эксперименталь механика заводининг слесарь-йўғувчиси.

Нигмонов Файзулла Нигмонович — Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг бошқарма бошлиғи.

Нуштаев Николай Семёнович — «Таштракторострой» қурилиш-монтаж трести 1-қурилиш монтаж бошқармасининг дурадгор-бетончиси.

Прилипко Геннадий Владимирович — «Ўзстройтранс» автотранспорт ишлаб-чиқариш бирлашмаси 8-автобазасининг директори.

Сафин Индус Абдуллаевич — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж трести пардозлаш-қурилиш бошқармасининг бўёқчиси.

Тошпўлатова Мария Раҳимяновна — «Ўзстройиндустрия» республика бирлашмаси 2-темир-бетон буюмлари заводининг ишчиси.

Усенов Зиннур Эмирович — «Ташпромстрой» қурилиш-монтаж трести 63-қурилиш-монтаж бошқармасининг дурадгори.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Л. БРЕЖНЕВ

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари
М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль. 19 март, 1981 йил.

Чет эл Хабарлари

КОММУНИСТЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ БИРЛИГИ

СОФИЯ, 1 апрель. [ТАСС махсус мухбири]. БХР пойтахтида Болгария Коммунистик партиясининг XII съезди партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги белгиси остида ўтмоқда. Бугун, анжуман ишининг иккинчи куни делегатлар кеча БКП Марказий Комитетининг биринчи секретари Т. Живков БКП Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладини, социалистик Болгарияни келгуси ўн йилда социал-иқтисодий ва маданий ривожлантириш вазифаларини муҳокама этдилар.

Республика турли районларининг вакиллари съезд минбарида туриб, партиянинг БХРда ривожланган социалистик жамият барпо этишни давом эттиришдан, Ленин партияси билан, Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа партиялар ва мамлакат билан дўстлик, бирлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат йўлини тўла-тўкис қўллаб-қувватлаётганликлари тўғрисида гапирмоқдалар. КПСС XXVI съезди илгари сурган ва халқаро иқлимни тубдан соғломлаштиришга, кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлашга қаратилган 80-йиллар тинчлик программаси делегатлар томонидан ёппасига маъқулланмоқда.

БКП марказий контроль-ревизия комиссиясининг раиси С. Каражов комиссия иши тўғрисида доклад қилиб, БКПда демократик централизмнинг ленинча принциплари изчиллик билан амалга оширилаётганлигини таъкидлади. Бизнинг партиямиз, деди у, ўзининг олий анжуманини бир бутун бўлиб жипслашган ҳолда кутиб олди. БКП — халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг содиқ ва актив отряди бўлиб, ўзининг ватанпарварлик ва интернационал бурчини амалда бажариб келмоқда. БКПнинг XII съезди партияни ғоявий-сиёсий ва ташкилий жиҳатдан янада жипслаштириш Болгарияда ривожланган социалистик жамият барпо этиш жараёнида партиянинг раҳбарлик ролини ошириш учун янги-янги омил бахш этишига шак-шубҳа йўқ.

Қардош партиялар делегацияларининг раҳбарлари болгар коммунистларининг анжуманини табриклайдилар. Улар ўз нутқларида Георгий Димитров партияси марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига содиқ эканлигини, бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги учун муттасил курашиб келаётганлигини таъкидламоқдалар.

Бугун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий бошчилигидаги КПСС делегацияси Софиядаги металл қирқиш станоклари заводи коллективининг меҳмони бўлди. Делегация аъзолари корхонани кўздан кечирдилар. Ишчилар ва инженерлар билан суҳбатлашдилар, Болгария машинасозлиги буюмларининг намуналари кўйилган кўргазмани томоша қилдилар.

В. БЕСКРОМНИЙ,
И. МАСЛЕННИКОВ.

МЕҲНАТ ҒАЛАБАСИ

ГАВАНА, 2 апрель. (ТАСС). Кубанинг Гавана вилояти шакарқамиш майдонларида меҳнат қилаётган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги номли шакарқамиш ўрувчилар коллективи жуда катта меҳнат ғалабасига эришди. Бу бригада мамлакатда биринчи бўлиб беш миллион арроба шакарқамиш ўриб олди.

Машҳур коллектив «миллионерлар» оммавий ҳаракатининг олдинги сафларида бормоқда. Бу ҳаракат шакарқамишни йиғиштириб олиш ва уни қайта ишлаш мавсуми планларини муваффақиятли бажаришнинг асосий омили бўлиб қолди. Бригада яқинда КПСС XXVI съездини муносиб кутиб олиш учун ўтказилган социалистик мусобақа якунларига кўра мамлакатда энг яхши коллектив, деб топилди.

СУВ РЕСУРСЛАРИ ЎЗЛАШТИРИЛМОҚДА

ДЕҲЛИ, 2 апрель. (ТАСС). Ҳиндистон сув ресурслари ва ирригацияни ривожлантириш давлат комиссияси мамлакатнинг сув ресурсларини комплекс ўзлаштириш планини бажаришга киришди. Планда Ганг ва Брахмапутра дарёларининг сувини Годавари ва Кавери дарёлари суви билан бирлаштириш кўзда тутилади. Бу эса дарёларнинг сув балансини яхшилашга ва мамлакат миқёсида ягона дарё системасини вужудга келтиришга кўмаклашади. Планнинг амалга оширилиши қўшимча равишда 35 миллион гектар қўриқчил ерларни суғориш, Ҳиндистон дарёларининг энергетика потенциалини 40 миллион киловатт қўпайтириш имконини беради. Шунингдек йирик сув омборлари тармоғини вужудга келтириш мўлжалланмоқда.

ҮНГЛАР АКТИВЛАШМОҚДА

РИО-ДЕ-ЖАНЕЙРО, 2 апрель. (ТАСС). Бразилия демократик ҳаракати оппозициячи партиясининг миллий конгрессдаги депутати Марселу Серкейранинг уйи олдида ўнг экстремистлар бомба портлатдилар. Бахтли тасодиф юз бериб, ҳеч ким зарар кўрмади. Шу билан парламент аъзоларига бир неча бор суиқасд қилинди. Ўтган йили Марселу Серкейранинг автомашинасини портлатиб юборган эдилар.

Реакцион унсурлар ўтган ҳафтада «Трибунада импренса» тараққийпарвар газетасининг редакциясида бир қанча бомба портлатган эдилар. Редакция биносига катта зарар етказилди.

НАТИЖАСИЗ МУЗОКАРАЛАР

ОТТАВА, 2 апрель. (ТАСС). Си-Би-Си радио-телевизион корпорациясининг маъмурияти билан Квебек вилоятидаги Монреаль, Квебек ва бошқа бир қанча шаҳарлар радио ва телевизион ягпиликлар француз редакцияларининг беш ойдан буён иш ташлаган журналистлари ўртасидаги музокаралар боши берк кўчага кириб қолди. Журналистлар иш ҳақи оширилишини, иш билан таъминлаш гарантияланишини талаб қилмоқдалар. Аммо Си-Би-Си маъмурияти иш ташлаганларнинг ҳаққоний талабларини қондиришдан қатъиян бош тортмоқда.

ИШСИЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

ЛОНДОН, 2 апрель. (ТАСС). Англияда кескинлашиб бораётган иқтисодий кризис ишсизлик тўхтовсиз ўсишига олиб бормоқда.

Электрон асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришга ихтисослашаётган «Плесси» компанияси Ноттингемдаги заводда 425 ишчини ишдан бўшатганлигини эълон қилди. Вулергемптон яқинидаги «Томас терри» металлургия компаниясига қарашли корхона ёпиб қўйилиши натижасида 80 дан кўпроқ меҳнаткаш иш жойидан маҳрум бўлади.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

СОФИЯ

Бургасда аэропортнинг биринчи навбати реконструкция қилинди. Энди бу ерда энг катта пассажир самолётлари, шу билан бирга аэробуслар қўна олади. Янги электрон техника самолётнинг мураккаб об-ҳаво шароитларида бехатар учиши ва қўнишини таъминлайди.

МАДРИД

Шу йилнинг фақат дастлабки икки ойи мобайнида мамлакатдаги «ортиқча кишилар» армиясига испанияликлардан 80 минг киши қўшилди. Статистика ва цензлар миллий институтининг хабар қилишича, ҳозирги вақтда Испанияда ишсизларнинг умумий сони 1,7 миллион кишидан ошиб кетди. Қурилиш саноатида ҳар тўрт ишчидан бири доимий иш ҳақидан маҳрумдир. Андалуз вилоятлари мамлакат районлари ўртасида аянчли аҳволдадир. Масалан, Кадисда ҳунарманд аҳолининг 26,5 процент ишсиздир.

НЬЮ-ЙОРК

ЮПИ агентлигининг хабар беришича, Лохур ва Пешовар шаҳарларида покистонлик юристлардан 1.000 киши «1981 йил муваққат конституцияси»га қарши норозилик билдириб, забастовка эълон қилди. Ўтган ҳафта Покистонда жорий этилган бу конституция президент генерал Зиёул Ҳақнинг фавқулодда ваколатини кенгайтиришни, аҳолининг демократик ҳуқуқлари ва эркинликларини янада чеклашни кўзда тутади.

БАНГКОК

Таиланд радиосининг хабар беришича, бу мамлакатда ҳарбий тўнтариш юз берган. Бир группа олий мартабали офицерлар ҳокимиятни қўлга олиб, «революцион комитет» тузилганлигини эълон қилди. Комитетга Таиланд армияси қўмондонининг лавозимларидан олиб ташланди. Конституция бекор қилинганлиги, парламент ва ҳукумат тарқатиб юборилганлиги ҳам эълон қилинди.

(ТАСС, 1 апрель).

РИМ. Италия пойтахтида реакцион ҳарбий-граждан ҳунтаси агдариб ташлаш, эркинлик ва мустақилликни қўлга киритиш учун Сальвадор халқи олиб бораётган кураш билан бирдамлик намойиши ўтказилди. АП—ТАСС телефотоси.

САНЪАТИМИЗ СОЛНОМАСИ САҲИФАЛАРИДАН

Халқ ҳофизлари

2. МУЛЛА ТЎЙЧИ ТОШМУҲАМЕДОВ

Ўзбек халқ ҳофизлари ичида Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов (1868—1943) катта эътибор қозонган, халқимиз орасидан етишиб чиққан кўпгина хонанда ва созандаларга мураббийлик қилган устоз санъаткор эди.

Ўзбек-совет музика маданиятининг йирик арбоби даражасига кўтарилган академик Юнус Ражабий — Тўйчи ҳофизнинг садоқатли шогирдларидан бири эди. Шунингдек, ўзбек-совет музика санъатининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган Шораҳим Шоумаров, Шожадил Шоумаров, Шоқосим Шожалилов каби халқ ҳофизлари, Имомжон Икромов сингари бастакорлар, Рихси Ражабий, Ориф Қосимов, Мақсудхўжа Юсупов, Карим Зокиров, Маҳмуд Юнусов, Абдумутал Абдуллаев каби хонанда ва созандалар ҳам Тўйчи ҳофиз мураббийлигида катта санъат остонасига қадам қўйганлар. Эндиликда Мулла Тўйчи ҳофиз Тошмуҳамедов яратган ўзига хос ижрочилик мактабининг анъаналарини унинг садоқатли шогирдлари давом эттирмоқдалар.

Санъатшунос олим Баҳриддин Насриддинов атоқли санъаткор ҳаёти ва ижодини узоқ йиллар тадқиқ этиб, 1971 йилда «Тўйчи ҳофиз» номли китобини чоп эттирди.

Биз номи тилга олинган рисоладаги лавҳаларни такрор этмаган ҳолда, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедовни яхши билган, тошкентлик ҳофиз билан кўпгина жойларда бирга бўлган шогирдлари — Ўзбекистон ССР халқ ҳофизи Шоқосим Шожалилов ва Ўзбекистон ССР телевидение ва радио эшитириш Давлат комитети ансамблининг танбурчси, республикада хизмат кўрсатган артист Абдумутал Абдуллаев ҳамда Ўзбекистон ССР халқ артисти Ориф Алимаҳсумовларнинг атоқли санъаткор ҳақидаги хотиралари асосида тайёрланган айрим лавҳаларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

ЭҲТИРОМ

...Менинг ойимнинг отасини, — деб эслайди Ўзбекистон ССР халқ артисти Ориф Алимаҳсумов,— уста Қўчқор амаки дейишган. У киши Тўйчи ҳофизнинг ёнларида юриб доирада усул берар эканлар.

Эски шаҳардаги Новза даҳаси санъат мухлислари билан ҳамиша гавжум бўлар экан. Бу ердан оқиб ўтадиган Болтаариқ бўйида хушҳаво чойхона қурилган бўлиб, ўхтин-ўхтин эл ичида эъзоз топган санъаткорлар жам бўлишиб, меҳнаткаш оммани ўз қўшиқлари, ширин суҳбатларидан баҳраманд қилишаркан.

Шинавандалар самарқандлик ҳофиз Ҳожи Абдулазизни, Наманганда Ҳамроқул қорини, Андижондан Муҳаммадхон хўжа ҳофизларни иззат-икром билан қарши оларканлар. Санъаткорлар орасида Мулла Тўйчи ҳофизнинг мавқеи баландроқ бўлган шекилли, бир куни улар устозларининг нафсониятига тегишмоқчи бўлишибди. Ҳофизлардан биттаси:

— Келинглар, Тўйчи келганда ҳеч қайсимиз ўрнимизда турмаймиз,— деб таклиф қилибди.

Бир пайт Тўйчи ҳофиз даврага кириб келганида «Ўрнимиздан турмаймиз» деб қатъий аҳд қилган ҳофизлар бенхтиёр ўрниларидан кўзғалишиб, томошабинлар билан баб-баравар устоз ҳофизни ҳурмат-эҳтиром билан қарши олибдилар...

— «Ўрнимиздан турмаймиз» дегандинг-ку,— дебди хижолатдан қолган ҳофизлардан бири иккинчисига...

— Турмай бўладими?— дебди иккинчиси унга жавобан.

Чиндан ҳам Мулла Тўйчи ҳофизнинг обрў-эътибори шинавандалар орасидагина эмас, балки таниқли ҳофизлар даврасида ҳам катта эканки, бу машҳур халқ санъаткорининг салоҳиятидан, ўз санъати билан топган эътиборининг нақадар юксак эканлигидан дарак беради.

ҚАЛБГА КЎЧГАН ХОТИРА

— Дадам — Шожалил наққош бўлиши билан бирга яхшигина ҳофиз ҳам эдилар,—дейди Шоқосим Шожалилов.—1905 йилларда овозини пластинкага ёздирганликлари учун Тўйчи ҳофиз билан Тошкентдан узоққа — Қўқонга қувғин қилинган эдилар. Лекин улар қаерда бўлишмасин ўз қўшиқларида халқнинг дарду-аламини, орзу-умидларини ифодалаб, ҳамиша элга яқин бўлишган. Тўйчи ҳофиз ва дадам Қўқонда исфаралик машҳур Абдуқаҳҳор ва Мадумар ҳофизлардан анчагина таълим олишган экан.

1927 йилда мен музика техникумини битиргач, махсус йўлланма билан радиога — Юнус Ражабийнинг қўлига бориб, у ерда Тўйчи ака, Акбар қори акалар сафига қўшилдим.

Тўйчи ака соз чалмасди. Ҳофизга табиат зўр нафас берганди. У кишининг ниҳоятда чиройли баритон овозлари бор эди. Ўн минг ашулачи қўшиқ айтганда ҳам Тўйчи ҳофизга ўхшатиб айта олмасди.

У маҳаллари радиоточкалар жуда кам, приёмник йўқ. Битта-иккита репродуктор Скверининг ичидаги дарахтларга осиб қўйиларди. Ҳар карнайнинг тагида 400—500 чоғли одам тўпланиб эшитардик. Карнайнинг остидаги одамлар: «Радиога Тўйчи ака кириб кетди, ҳозир қўшиқ айтади» деб йиғиларди.

Биз соз чаламиз, у киши қўшиқ айтадилар. Ташқаригга чиққанда, радионинг эшиги олдида мухлислар йиғилиб қолишарди. Ҳамма ҳофиз билан салом-алик қилишга интилиб, катта-кичик «Тўйчи ака мана шу одам» деб кўрсатишарди.

У пайтлар концертлар кўп бўларди. Ҳамза театрининг эски биносидаги саҳнага тўртта стул қўйиларди. Тўйчи ака — биттасида, қолганида — биз, созандалар саф тортиб ўтирардик.

Залда пашша учса овози эшитиларди, тингловчиларнинг бор-йўқлиги ҳам сезилмасди ҳатто. Ҳофизнинг овози шовқинли эмас, аксинча ёқимли, қўшиғининг сўзлари дона-дона бўларди. Куйлаш паузаларининг ўрталарида бизга қараб қўйиб, «бўш келма» дегандай имо қилиш одатлари ҳам бор эди.

Тўйчи ҳофизнинг ашуласидан ташқари муомаласининг яхшилигини айтмайсизми?! Гоят ширинсўз эдилар. Ҳамиша озода кийиниб, хушрўй бўлиб юрардилар. Кўчага чиқса каттами-кичикми ҳаммага баб-баравар муомала қилишлари билан ажралиб турардилар. Давраларди суҳбатларда одоб-аҳлоқдан, меҳр-оқибатдан ва камтарликдан мавзу бошлаб, панд-насиҳат берардилар. «Мажрака, тўй, чойхонадами ёки бошқа халқ йиғинларидами катта-кичик бир нарсани илтимос қилса — дарров айтиб берингилар» деб уқтирардилар.

Ҳофизнинг бу ўгитларини доимо ёдимда тутиб, унга ҳамиша амал қилишга интиламан. Устоз билан бирга ўтказган дамларни чуқур ҳурмат билан эслар эканман, унинг қадрдон сиймоси кўз ўнгимда, умри боқий қўшиқлари эса қулоғимда жаранглаб туради...

«ҚАРО КЎЗУМ» ЯНГРАГАНДА

1941 йил июль ойи эди,— деб эслайди Абдумутал Абдуллаев,— республикамизнинг ҳамма шаҳар ва қишлоқларидан навқирон йигитлар фронтга чақирилган, колхозларнинг ишларига хотин-қизлар, ўспирин ва қариялар жалб этилаётган пайтларда партия ва ҳукуматимиз Ватан ҳимоясига отланган кишиларнинг ўрнини билдирмаслик, колхозлардаги ишларни жонлантириш, меҳнаткашларнинг руҳини кўтаришга алоҳида аҳамият бераётган эди.

Ўша кунларнинг бирида мени филармонияга чақириб қолишди. Раҳбарларимиз Шаҳрисабздан — Йўлдош Охунбобоевдан телеграмма олишганини, унда «Зудликда созандалар Тўйчи ҳофиз билан етиб келсин» дейилганини айтишди. Ўша пайтлари Тўйчи тоғам пенсияга чиққан эди. Дарров у кишининг хонадонларига етиб бордим...

Тўйчи тоғамга аҳволни тушунтириб, «Телеграммани шахсан Охунбобоевнинг ўзлари юборибдилар, демак, бориш керак», дедим. Хуллас, тоғам билан сафарга отландик. «Тўйчи ҳофиз шу поездда эмиш» деган хабар бир зумдаёқ вагонма-вагон тарқалди.

Йўловчилар сал ўтмай бизнинг купемизга тўпланишиб, ҳофизнинг санъатидан баҳраманд бўлдилар. Қўшиқ ихлосмандлари Тўйчи тоғам санъатига сира тўймай, қайта-қайта «фалон ашулани айтиб беринг» деб илтимос қилишар, ҳофиз ҳам таклифларни сира ерда қолдирмай қўшиқ айтар, ўзининг маҳоратидан ўзи завқланиб кетгандай тобора қизишиб борарди. Эрталаб Китоб станциясига қандай етиб келганимизни ҳам сезмай қолибмиз...

Китоб станциясидаги оломонинг кўплигини айтмайсизми?! Бизнинг ташрифимизни эшитиб ҳамма кўпдан чиққандай. Вокзал майдонига саҳна қилишибди. Вагондан саҳнагача оқ суридан поёндоз ёзилган.

Вагондан тушиб, поёндоздан тоғам — олдинда, биз— созандалар орқада ўтиб борямиз. Ҳамма кўрсаткич бармоғи билан «Ана Тўйчи ҳофиз», «Ана Мулла Тўйчи» деб бир-бировларига кўрсатишарди...

Бизни Йўлдош ота билан райком секретари қучоқ очиб кутиб олишди. Ўшанда Китоб, Шаҳрисабз, Яккабоғ ва бошқа районларда колхозчилар слёти чақирилган, санъат шинавандалари: «Бизга Тўйчи ҳофизни чақириб бергансизлар» деб Йўлдош отадан илтимос қилиб туриб олишган экан.

Шаҳрисабзда яхши бир чойхона бор экан, сув бўйида. Шу жойга колхозчилар тўпланишибди. Одамларнинг руҳига фавқулодда бошланган уруш қаттиқ таъсир қилган, биров—фарзандини, биров — ёстиқдошини, бошқаси — ака-укасини фронтга жўнатган, уларнинг қиёфасидан ана шу ташвиш, алам ва қайғуни илғаш мумкин эди. Лекин шунга қарамай слётга яхши тайёргарлик кўрилган, санъат аҳли учун махсус саҳна қилинган, анжуман қатнашчиларига дастурхон солинган. Узоқ қишлоқлардан ҳам одамлар тўпланган эди. Халойиқ ўзини бардам, тетик тутарди.

Слёт бошланди. Йўлдош ота колхозчиларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифалари, фронтдаги аҳвол ҳақида гапирди.

Навбат санъаткорларга етди. Дастлаб, Шаҳрисабз театрининг ансамбли концерт берди. Кейин биз. Тўйчи тоғам қўшиқ айтади. Туроб— гижжакда, Карим ака — дутарда, Шокарим — скрипкада, мен — таноурда унга жўр бўламиз. Шокарим конферансьелик ҳам қилади.

Мулла Тўйчи ҳофиз ҳеч қандай танаффуссиз, якка ўзлари бир соатлар чамаси ашула айтдилар. Айниқса, у киши Алишер Навоий ғазали билан айтиладиган «Ушшоқ»ни гоятда жойига етказиб ташладилар.

Қаро кўзум келу
мардумлуг
эмди фан қилгил,
Кўзум қаросида мардум
кибн ватан қилгил.

Бу қўшиқни Тўйчи тоғам кўп ва хўп айтардилар. Лекин шу даврада ҳофизнинг яна бир илҳоми жўшиб кетди, шекилли, ғазалнинг ҳар бир мисрасига жон ато қиладётгандай берилиб хониш қилдилар. Авжларини ҳам гоят эркин нафас билан олиб, қотириб қўйдилар.

Навоий, анжумани шавқ
жон аро тузсанг,
Анинг башоқлиқ ўқни
шамъан анжуман қилгил.

Ҳофизнинг шу кунги сиймоси сира кўз ўнгимдан нари кетмайди. Назаримда, бу ўлмас ғазални ҳазрати Навоий атайлаб шу ҳофиз қўшиқ қилиши учун қолдиргандай туюлди менга. Мулла тоғам куй ва ғазал оҳангларининг энг теран қатламларини илк бор чин қалбдан ҳис этаётгандай шундай берилиб хониш қилдиларки, гўё ҳаммаларнинг юрагидаги энг нозик туйғулар шу қўшиқлар оҳангларига яширингандек эди...

«Қаро кўзум»га «Эй, нигорим...», «Баёт-1, 2, 3» ва «Гиря» уланди. Тўйчи тоғам ёшлик чоғидан бошлаб Фузулий ғазалларини яхши кўрар, айниқса, «Баёт-1» куйи билан айтиладиган «Уландан сўр» радифли ғазали алоҳида бир маҳорат билан ижро этар, улуг шоирнинг фалсафий қарашлари акс этган мана бу мисраларни куйлаганда завқу-шавқи янада ошиб кетганини ҳис этардим:

Кўзи ёшлуларнинг ҳолин
на билсун мардуми ғофил,
Ковокиб сайрини шаб то
саҳар бедор ўландан сўр.
Хабарсиз ўлма фаттон
кўзларинг жаврин
чеканлардан
Хабарсиз мастлар бедоднин
ҳушёр ўландан сўр...

Слёт иштирокчилари илк бор ҳақиқий санъат билан юзма-юз келгандай чексиз ҳаяжон ва ҳайратдан лол қотган, одамларнинг кўзидан беихтиёр севинч ёшлари томчилар, атрофдан ижрочининг салоҳиятига тан берувчи «Офарин!», «Умрингиз узоқ бўлсин!», «Сира кам бўлмаш!» деган ҳитобларнинг кети узилмасди.

Менинг ўзимни ҳам бу воқеа ларзага келтирган эди. «Наҳотки, шундай улуг санъаткорга жиян бўлсам?» деб ўзимга-ўзим савол берар эдим. Энди, орадан анча йиллар ўтиб, ўйлаб қарасам: Шаҳрисабздаги колхозчилар слёти — ҳаётимдаги энг унутилмас воқеалардан бири бўлиб, у халқ ҳофизининг камолотга эришган палласини эл-юртга намойиш қилган экан!..

Езиб олувчи Р. ҒАНИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Ш. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5 АПРЕЛЬ СОАТ 19.00 да

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ

«ГЎЗАЛ»
АНСАМБЛИНИНГ

К О Н Ц Е Р Т И

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

Қизлархон ДУСТМУҲАМЕДОВА

Солистлар: Нуриддин ХАЙДАРОВ, Тоштемир ТОҲИРОВ, Ҳасан КАРИМОВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Гулнора ОДИЛОВА.

Сатира, юмор ва интермедия ижрочиси

Абдуфаттоҳ САИДОВ
Оригинал жанр

Саттор ИСЛОМОВ

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Программани — Ойдин ТОҲИРОВА олиб боради.

«ГЎЗАЛ» ансамблининг бадиий раҳбари — композитор Султон АНВАРОВ.

Музика раҳбари — Туйғун ОТАБОЕВ.

ТОВАРЛАР—ХАЛҚҚА



«КИЕВ-17» ФОТОАППАРАТИ ТАЖРИБАЛИ ФОТОҲАВАСКОРЛАР ҲАМДА ШУ КАСБ ЭГАЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН!

«КИЕВ-17» ЮҚОРИ КЛАССЛИ КИЧИК ФОРМАТДАГИ ОЙНАЛИ ФОТОКАМЕРА — «санровчи» диафрагмали гардишли «Гелиос-81М» ёки «Волна-4» объективларига комплектланган;

— объектив фотокамера — байонет билан бирлаштирилади;

— пардали металл затвордаги пардалар вертикал йўналишда ўрин алмашадилар; диапазонининг очиқ туриш вақти: 1 дан 1/1000 секунд ва «В»;

— нуқтани белгилаш мосламаси Френел линзаси ҳамда конденсорли линза билан таъминланган бўлиб, бу ёруғлиқ нам бўлган ҳолда ҳам суратга олиш имконини беради;

— суратга олаётганда шаклга қийиқ қилиб, микрорастрга ва сут рангли ойнага тўғриланади;

— аралаш (бир ва яна ўша кадрни) суратга олиш имкони ҳам кўзда тутилган.

Кадрларнинг автоматик равишда ҳисобга олиниши, ёритиш лампасининг кабелга уламаслик учун «Х» синхроконтакти мавжудлиги «Киев-17» фотоаппарати билан ишлашни енгиллаштиради!

«КИЕВ-17» фотоаппаратининг баҳоси: «ГЕЛИОС-81М» объективи билан—280 сўм; «Волна-4» билан—450 сўм.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-КОММЕРЦИЯ ТАШКИЛОТИ.

«ТЕЛЕПРЕССТОРГРЕКЛАМА».

Телевидение

МТ-«ВОСТОК»

9.00 — Время. 9.40 — Эрталабки гимнастика. 10.05—Горнчилар қеердасиз? 10.35 —Ҳужжатли фильм. 10.45 — Оқ кема. Бадиий фильм. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Илмий-оммабоп фильм. 15.35—«Золотая шайба» клубининг соврини учун Бутуниттифоқ мусобақаларининг финали. 16.20 —Сенегал миллий ракс ансамблининг концерти. 17.05—Подмосковье учрашувлари. 17.35—Эртак ҳузурида меҳмонда. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.35 — Очиқчасига гап. 20.05 — А. Даргомижский романслари. 20.25 — Телевизион бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05—Кинопанорама. 23.35 — Дунё воқеалари. 23.50 — Концерт.

УзТВ-I

11.25 — Кўрсатувлар программаси. 11.30 — Адабиётдан ўқув кўрсатуви. 12.00 —Фильм-концерт. 12.25 — Антошка ва гармошка. Спектакль. 13.25 — Сатурн пайидан. Бадиий фильм. 2-серия. 18.15 — Кўрсатувлар программаси. 18.20 — Мультфильм. 18.35 — Зарбдор комсомол қурилишларида. 19.05—КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон санъат ўсталари ва бадиий коллективларининг концерти. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концертнинг давоми. 21.30 — Время. 22.00 — Дунё воқеалари. 22.30 — Альба Регия. Бадиий фильм. 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

УзТВ-II

18.35 — Кўрсатувлар программаси. 18.40 — Болалар учун фильм. 19.00 — Ўқитувчилар учун консультация. 19.30 — Ишчи ўринбосарлари. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Математика.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4|IV да Қиёмат қарз, 5|IV да Алмандар.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3|IV да Ҳижрон, 4|IV да Тўйдан олдин томоша, 5|IV да Гулсара.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 3|IV да Отасининг қизи (19.00), 4|IV да Зада бўлган пайғамбар (19.00), 5|IV да Баланд дорга осилма (12.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — «Ургатилган айиқлар» аттракциони иштирокида катта цирк томошалари (19.30).

«ТАШОБЛЬКОЛХОЗСТРОЙ» трестининг 25-КОЛХОЗЛАРАРО ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ҚЎЧМА МЕХАНИЗАЦИЯ КОЛЛОННАСИГА

экскаваторчилар ва автокранчилар

КЕРАК

Зарур бўлганларга квартира берилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Ржоникидзе район, Тузель қишлоқ Совети, Чингелди посёлкаси (Шастри автостанциясидан «Шастри автостанциси — «Чингелди» автобусининг сўнгги бекати).

Тошкент районидаги 20-ўрта мактаб коллективи мактаб ўқитувчиси Д. Шарофиддиновага отаси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

Оқилхон ШАРОФИДДИНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.





Космонавтика тарихи Калуга шаҳридан бошланади. Бу ердаги математика ва физика ўқитувчиси К. Э. Циолковский устахонасида ана шу голибона юришга пойдевор қўйилганди. Сайёраларо алоқалар илмига асос солинди. Суратларда: Калугадаги Космонавтика тарихи музейидаги К. Э. Циолковский ясаган ракета модели; Олимнинг уй-музейи.

С. Белявой фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

ҲОДИСА

ЙИРТҚИЧЛАР БИЛАН ОЛИШУВ

Яқинда узоқ йиллик қадрдоним, Чимкент областига қарашли «Бургулук» санаторийси бош врачининг ўринбосари Йўлдошали Эргашев хонадонида меҳмон бўлдим. Анча вақтдан буён кўришмаганлигимиз сабабли суҳбатимиз ярим тунгача чўзилди. Деворга қоқилган икки бўри териси менга қизиқтирди.

— Йўлдошали, бу дейман, овчилик ҳам қилиб турадиларми?

Мезбон мийнигида кулганча териларга бир қараб қўйди-да, воқеани сўзлаб берди.

— Ўзингизга маълум, санаторийимиз тоғ ён бағрига жойлашган. Бу ерлар қўриқхонага айлантирилганлиги сабабли атрофда кўплаб бўри, ёввойи чўчқа, тулки, чия бўри, бўрсиқ ва бошқа ҳайвонларни учратиш мумкин.

Ўша куни санаторийга жуда эрта боришга тўғри келди. Ҳар эҳтимолга қарши ёнимга катта пичоқ солдимда, йўлга тушдим. Қалин қор ёққан. Шу сабабли бўлса керак, кўпгина ҳайвонлар озуқа ахтариб тоғ ён бағрига тушишган. Бораётиб рўпарамдаги тепаликда 7 бўри тикилиб турганини кўрдим. Улардан иккитаси баҳайбат бўлиб, қолганлари кичкина эди.

Йиртқичлар оч қолиб, болаларини қишлоққа бошлаб тушибди-да, дея ҳаёлимдан ўтказдим. Қўлимда пичоқни маҳкам ушлаганча жойимда қотиб турдим. Бир пайт бўрилардан бири ириллаганча ташланди. Мен пастликда турганлигим учун йиртқич тикка устимга келар, қай тариқа пичоқ билан унинг қорнини ёриб юборганимни билмай қолдим. Кўп ўтмай иккинчи ҳайвон ҳам ташланиб қолди. У билан олишиш менга қимматга тушди. Қўлимдаги пичоқни неча бора санчиганимни-ю, унинг ўткир тишлари менинг баданларимни қанча тишлаганини билмайман. Лекин у ҳам ўткир тиғга дош беролмай чўзилиб қолди...

Ҳамма ёғим қонга беланган ҳолда санаторийга кириб келганимда, тонг анча ёришиб қолганди...

Дўстимдан бу сўзларни эшитарканман беихтиёр, жасоратингга балли, дегим келарди.

Х. ЙЎЛДОШЕВ.

Спорт

МУСОБАҚАЛАР, УЧРАШУВЛАР

ФУТБОЛ

Олий лига командаларининг учинчи тур ўйинларини Тбилисининг «Динамо» командаси билан Москванинг «Спартак» коллективи бошлаб берди. Агар москвалик футболчилар дастлабки икки турда ғалаба қозониб, тўрт очко тўплашган бўлса, грузин футболчилари биринчи ўйиндаёқ минсклик клубдошларидан мағлубиятга учраган эдилар.

Ўйин Тбилиси футболчиларининг тўла устунлигида ўтди ва 3:1 ҳисобида тугади. Тўпларни 25 ва 27-минутларда Д. Кипиани, 51-минутда Жвания ва 72-минутда Швецов киритди.

Эртага шу турнинг асосий ўйинлари бўлади. «Пахтакор» ўз майдонида Краснодорнинг «Кубан» коллективини қабул қиладн.

Бугун эса биринчи лига қатнашчилари чемпионатнинг дастлабки ўйинларини ўтказадилар. Республикамиз спорт шарафини ҳимоя қилаётган Жиззахнинг «Бўстон» командаси Душанба шаҳрида «Помир» меҳмони бўлади. Собиқ пахтакорчи Аҳрол Иноятов устозлик қилаётган жиззахлик футболчилар маҳсумнинг дастлабки уч ўйинини сафарда ўтказадилар. Бу албатта «Бўстон» учун ўзига хос имтиҳон бўлади.

ТЕННИС

Самарқандда Ўзбекистон XIX спартакиадаси программаси асосида ёшларнинг спорт ўйинлари турига кирган теннис беллашувлари давом этмоқда. Группалардаги ўйинлар тугади. Тошкент шаҳри ва Тошкент области вакиллари 3 тадан ўйин ўтказиб, ҳаммасида ғалабага эришдилар ва финалда ўзаро учрашадиган бўлишди.

Ёшларнинг спорт ўйинлари программасидаги якунланган уч тур натижаларига кўра тошкентлик спортчилар команда ҳисобида пешқадамлик қилишмоқда.

САМБО

Усмирлар ўртасида Бутуниттифоқ шахсий команда чемпионати Новокузнецк шаҳрида бўлиб ўтди. Республикамиз вакиллари РСФСР командасидан кейин иккинчи мукофотли ўринни эгаллашди. Вакилларимиз жами 5 та медалга сазовор бўлдилар. Буларнинг учтасини тошкентликлар қўлга киритишди. Динамочи Отаниёз Жуманов, «Старт», вакили Виталий Рябинин кумуш медалга, Александр Черняков эса бронза медалига сазовор бўлди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41.

Телефонлар: редактор ўринбосари—335885, 325747, 337916, 325748; масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: оммавий ишлар ва хатлар — 334048; партия турмуши — 325778; пропаганда — 325645, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги—325647; адабиёт ва санъат — 325757; совет қурилиши — 325645; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик— 325733; фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553; фотомухбир—325894.

Р. 01905 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64683. В. 1575.